

علم اور تګانیش پر بر مسلمانان او چون مرشدور

الاسلام

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ



Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал (4-сон, Рабиус-соний, 1434)





Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

Таҳрир ҳайъати:

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер: Беҳзод Вафоев

ЖАВОБИНГИЗ БОРМИ?

Улуғ машойихлардан Абу Язид Бистомдан Басрага кўчиб борган эди. Юкларини туширгач, уларни саранжомлаш чоғида нарсаларига кўшилиб иккита чумоли ҳам келиб қолганини кўрди. “Буларни жамоасидан ажратиб, бегона жойларга келиб қолишига сабабчи бўлибман-ку”, деб ўйлади. Абу Язид яна бир қанча мил йўл босиб, ортига қайтди ва чумолиларни олган жойига келтириб, яна бошқа жинсдошларига кўшиб юборгачгина хотиржам бўлиб, Басрага қайтди.

Валийлардан Иброҳим Адҳам Байтул-Мақдис зиёратига борган экан. Шаҳардаги масжидда ибодатдан чарчаб, кўзи илинибди. Шу пайт масжидга икки киши кириб келиб, ўзаро суҳбатлашаётганига гувоҳ бўлибди. “Анави ётган киши ким?” деб сўрабди бири. “Иброҳим Адҳам исми Аллоҳнинг яқин дўстларидан”, дебди иккинчиси. “Қанақасига Аллоҳга яқин бўлсин, кеча Басра бозорида олма харид қилаётганида бир олма думалаб тўрвасига тушиб кетганини кўрса ҳам, индамай олиб кетаверди”, деди. Иброҳим Адҳам сесканиб, ўрнидан турибди. Тўғри Басрага қараб жўнабди. Эртасига ўша олма сотиб олган бозорига борибди. Қўлидаги олмани сотувчисига берай деса, ўзининг шунчалик тақводорлигини кўрсатгандай бўлиб қолишини ўйлаб, бошқача йўл тутибди. Ўша таниш сотувчидан яна олма сотиб олмоқчи бўлди. У молни тортаётганида қўлидаги олмани билдирмай мевалар уюми устига ташлаб қўйди. Шундан кейингина хотиржам бўлиб, яна Байтул-Мақдисга қайтди.

Абдуллоҳ ибн Омир таниши Холид ибн Уқбанинг бозор яқинидаги ҳовлисини етмиш минг дирҳамга сотиб олди. Тунда у Холиднинг аҳлу аёли йиғлаётганини эшитди ва яқинларидан: “Уларга нима бўлди?” деб сўради. Улар: “Сотилиб кетган ҳовлиларига хафа бўлиб йиғлашяпти”, деб жавоб қилишди. Шунда Абдуллоҳ хизматкори: “Уларнинг олдиларига бориб айт, ҳовли ҳам, унинг пули ҳам – ҳаммаси уларга бўлақолсин”, деб буюрди.

Улуғ авлиёлардан Сирри Сақотий ҳазратлари бир жойдан бошқа ерга сафарга чиқса, йўлдаги жонли-жонсиз нарсалар билан саломлашиб, суҳбат қуриб ўтар эди. Бу фозил зот кўп марта пиёда ҳаж қилган эди. Бир куни шу зотдан: «Эй шайх, умрингизда ҳеч хато қилганмисиз?» деб сўрашди. Шайх бошини ерга эгиб шундай жавоб берди: «Эй қардошларим, бир хатойим борки, унинг оташи мана ўттиз йилки юрагимни ёндиради, ҳар эслаганимда қалбим ўртанади». «У қандай хато эди, афандим?», деб сўрашди. Шайх шундай жавоб қилди: «Ўттиз йил илгари Бағдодни ёнғин олди. Дўконим жойлашган Чорсу ҳам ёнғин балосидан омонда қолгани йўқ. Ўша кунлари сафарда эдим. Хабарчилар ҳамма кўшилларимизнинг дўконлари ёнгани ҳолда ёлғиз менинг дўконим ёнмай қолгани хабарини

беришди. Қувонганимдан «Алҳамдулиллаҳ» деб Яратганга ҳамд айтдим. Аммо шу заҳотиёқ бошқа мусулмонларни унутиб, ёлғиз ўзимни ўйлаганим учун кўп афсус қилдим. Дарҳол тавба қилиб, истиғфор айтдим. Каффорат бўлсин, деб дўконимдаги ҳамма молларимни садақа қилдим».

Ҳукмдор Умар ибн Абдулазиз бир оқшом уйида дўстлари билан ўтирган эди, чироқнинг нури хиралашиб қолди. У ўрнидан туриб, унинг пилигини тозалаб қўйди. Шунда мажлисда ўтирганлардан бири: “Эй олампаҳо, пилик тозалашни бирортамизга буюрсангиз бўларди-ку!” деди. Бунга жавобан Умар ибн Абдулазиз: “Меҳмонни хизматга буюрган киши мурувватли саналмайди. Ўтирганимда ҳам шу Умар эдим, турганимда ҳам шу Умарман”, деди.

Мовароуннаҳрнинг атоқли олими Абдуллоҳ ибн Муборакнинг бир яҳудий кўшилари бор эди. Абдуллоҳ ўз болаларини овқатлантиришдан олдин камбағал кўшилларининг болаларига овқат берар, ўз болаларини кийинтирмасдан олдин ўша яҳудийнинг болаларини кийинтирардилар. Одамлар яҳудийнинг олдига келиб: «Ҳовлингни бизга сот», дейишди. У ҳовлисига ики минг динор сўради. Одамлар “Инсоф қил, ҳовлингнинг баҳоси нари борса минг динор”, дейишди. Шунда яҳудий: «Ҳовлимни икки минг динорга сотаман. Ҳақиқатан унинг нархи минг динор, кейинги минги эса Ибн Муборакка кўшни бўлганим учун», деди. Кейинчалик ўша яҳудий Абдуллоҳнинг дуолари шарофатидан мусулмон бўлди.

Ривоятларда зикри келган кишилар олис ўтмишда яшаб ўтишган-ку, уларнинг ишлари ҳозирги пайтда сал афсонага ўхшаб туюлмаяптими, деб юзаки хулоса чиқаришга шошилманг! Замонлар ўзгаради, одамлар алмашади, ҳамма нарса эскиради. Аммо Аллоҳдан кўрқиб, инсоф, диёнат, имон туйғулари ўзгармайди, барча замонларда аслича қолаверади. Яхшилиқда, тақвода, мўминликда, инсофда аждодларига ўхшашни истамаган авлодлар эса ҳалокатга маҳкумдилар.

Шунинг учун сиздан сўраймиз: Аллоҳнинг махлуқотларига раҳм-шафқат кўрсатишда Абу Язидга ўхшай оласизми? Ҳалолликда, ўзганинг молига хиёнат қилмасликда Иброҳим Адҳамга тенглаша оласизми? Ўзга одамларга меҳрибонлик кўрсатишда Абдуллоҳ ибн Омир билан беллаша оласизми? Сирри Сақотий каби бошқаларнинг мусибатига чин дилдан ачина оласизми? Ислоҳ оламининг ҳукмдори Умар ибн Абдулазиз каби ҳоксор, камтар бўла оласизми? Абдуллоҳ ибн Муборак каби кўшнингизга олиймақом яхшилиқ қила оласизми? Мана шу саволларга ижобий жавоб бера олганларгина чин мўминлардир, Аллоҳнинг дўстларидандир. Буларга маънилироқ жавоб бера олмаганлар эса... ўзларини тўзатишга ҳаракат қилишсин!



Ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзини Ўзи поклаб ёд қилмоқда ва бандаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни исро қилдиргани, яъни кечанинг бир қисмида сайр қилдиргани ҳақида хабар бермоқда. Оятдаги «Ўз бандаси»дан мурод, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо Аллоҳнинг бандаси эканликлари билан фахрланиб юрар эдилар. Ушбу оятда у зотнинг исмлари айтилмай, «Ўз бандаси» иборасининг ишлатилиши ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учун фахр ҳамда энг оғир пайтда у киши учун тасаллидир.

Қуръони Каримда «Масжидул Ҳаром» ибораси уч нарсга ишлатилади: биринчиси – Каъбаи Муаззама атрофидаги масжид; иккинчиси – Маккаи Мукаррама шаҳри; учинчиси – Маккаи Мукаррама атрофида ҳаром учун белгиланган чегара. Кофирлар киришлари мумкин бўлмаган, ов овланмайдиган, ўсимликлари кесилиши ёки юлиниши жоиз бўлмаган, кўпгина маълум ишлар ҳаром этилган минтақага нисбатан ҳам ишлатилади.

Ушбу ояти каримадаги «Масжидул Ҳаром» ибораси Маккаи Мукаррама шаҳри маъносида келган. Исро кечасида Пайғамбаримиз Каъбаи Муаззама атрофидаги масжидда эмас, шаҳарнинг бир тарафида жойлашган амакиларининг қизи Умму Ҳониънинг уйида ухлаб ётган эдилар.

«Масжидул Ақсо»дан мурод Шои Шарифдаги Байтул Макдисдир. «Ақсо» сўзи «узоқ», «чет» маъноларини билдиради. «Масжид» эса «ибодатхона», «саждагоҳ» деган маъноларни англатиши ҳаммага маълум. Ўша пайтда Байтул Макдис Маккаи Мукаррамага нисбатан узоқ ва энг

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى

الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَنَيْنَا حَوْلَهُ لِلرَّيَّةِ مَنْ أَيْنِنَّا إِنَّهُ هُوَ

السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴿١﴾

“Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган Зот покдир. Албатта, У ўта эшитувчидир, кўриб турувчидир” (Исро сураси, 1-оят).

четдаги ибодатхона ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ уни «Масжидул Ақсо» деб номлади. Аллоҳ таоло Масжидул Ақсонинг атрофини баракали қилиб қўйганини ҳам айтмоқда.

Чунки Байтул Макдис ҳақиқатан ҳам Аллоҳ томонидан баракотли қилиб қўйилган бир жойдир. Қадимдан бу ер пайғамбарлар маскани, ибодатгоҳи бўлган. Мусо

алайҳиссалом, Ийсо алайҳиссалом ва уларнинг ора-ларидаги пайғамбарлар ҳам шу ерда ўтишган. Уларга Аллоҳнинг ваҳийси шу ерда тушган. Шунинг ўзи ҳам ҳар қандай баракотдан устун. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло бу жойни моддий томондан ҳам баракотли қилиб қўйган. Об-ҳавоси, зилол сувлари, серунум тупроқлари ила бу жойни серҳосил қилиб қўйган.

Исродан, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кечаси Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдиришдан мурод у зотга мўъжизаларни кўрсатиш экан. Дарҳақиқат, бу ҳодиса асносида, хусусан, Меърожда Аллоҳ таоло Ўз бандаси ва Пайғамбари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга кўпдан-кўп мўъжизаларни кўрсатди. Бу ҳақда «Нажм» сурасида: «Батаҳқиқ, Роббининг улкан оятларидан кўрди», дейилади. «Албатта, У эшитувчидир, кўриб турувчидир». Албатта, У эшитувчи ва кўргувчи Зотдир. Аллоҳ таоло ким нима деганини эшитиб, ким нима қилганини кўриб тургувчи Зотдир.

Ушбу ояти каримада келган маълумотлар муносабати билан икки нарса – Исро ва Меърож нима эканини ҳам тўла тушуниб олишимиз лозим. «Исро» сўзи аввал айтилганидек, луғатда «кечанинг бир қисмида сайр қилиш, юриш»ни англатади. Шариатда эса Аллоҳ таолонинг кечалардан бирида Ҳазрати Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдиришига айтилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб айтиш лозимки, Исро ҳодисаси туш эмас, руҳий сафар ҳам эмас, балки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам жасадлари, ҳам руҳлари ила қилган сафарларидир. Агар туш ёки руҳий сафар бўладиган бўлса, бу воқеанинг мўъжизалиги қолмас эди. Ояти каримада «бандасини» деб таъкидланиши ҳам Исро ҳодисаси ҳам жасад, ҳам руҳ билан бўлганини кўрсатади. Агар фақат руҳ билан бўлганида, «бандасининг руҳини» деган бўлар эди.

«Меърож» луғатда «юқорига кўтарилиш» деган маънони англатади. Шариатда эса Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Мақдидан Сидратул Мунтаҳога – Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилишларига айтилади.

Мухаддислар ривоят қилишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хуфтон намозидан сўнг Умму Ҳониъ бинти Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида, Исро ҳодисаси бошланди. Ўша кечаси Байтул Мақдисга Буроқ номли ҳайвонга миниб бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсанг тош устида турганларида Меърожга кўтарилдилар. Ҳозирда ўша тош устига қубба – гумбаз қурилган, думалоқ бино шаклидаги суратлари бутун дунёга тарқатилган. Кўпчилик билмасдан, уни Масжидул Ақсо деб тушунадилар.

Меърожда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жаброил алайҳиссалом ҳам бирга бўлдилар. Ҳар осмонга етганда у киши эшикни очишни сўрар эдилар. Қўриқчи фаришталар:

– Ким? – деб сўрашарди. У киши:

– Жаброил, – деб жавоб берардилар. Улар:

– Ёнингдаги ким? – деб сўрашарди. Жаброил алайҳиссалом:

– Мухаммад, – десалар, улар:

– Шундайми? У Пайғамбар этиб юборилдими? – дея эшикни очиб сўрашарди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар осмонда бир пайғамбар ва кўплаб фаришталар билан кўришдилар. Шунингдек, жаннат ва жаҳаннамнинг ҳолини кўрдилар. Сидратул Мунтаҳога ўтиб, Аллоҳнинг малакут оламида

кўпгина ажойиботларни кўрдилар. Ўшанда беш вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра ортга қайтдилар. Бўлган воқеани борица у зотнинг ўзлари Умму Ҳониъга айтиб бердилар: «Пайғамбарлар тўпландилар, уларга намоз ўқиб бердим», дедилар. Сўнгра масжидга чиқмоқчи бўлиб, ўринларидан турдилар. Умму Ҳониъ у кишининг кийимларига ёпишиб олди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Сенга нима бўлди? – дедилар. Умму Ҳониъ:

– Агар бу хабарни айтсанг, қавминг сени ёлғончига чиқаришидан қўрқаман, – деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Ёлғончига чиқарса ҳам майли – дедилар. Чиқиб бориб, Абу Жаҳлнинг олдига ўтирдилар ва Исронинг хабарини унга етказдилар. Шунда Абу Жаҳл:

– Эй Бану Каъб ибн Луай жамоаси, келинглари! – деб бақирди. Сўнгра уларга бўлган гапни айтиб берди. Улар ҳайрон бўлиб, таажжубга тушдилар. Бири қарсақ чалса, бошқаси бошини ушлаб, ҳайронлигини билдирди. Иймон келтирганлардан баъзилари диндан қайтиб, муртад бўлди. Бир гуруҳ одамлар ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдиларига югуриб боришди. У киши хабарни эшитгандан сўнг:

– У зот шу гапларни айтдиларми? – деб сўрадилар. Улар:

– Ҳа, – дейишди. У киши:

– Агар у зот айтган бўлсалар, тўғри айтибдилар, мен бунга шохидлик бераман, – деди. Улар:

– Шомга бир кечада бориб, яна тонг отмай туриб, Маккага қайтиб келишига ишонасанми? – дейишди. Абу Бакр:

– Мен у кишининг бундан ғариброқ нарсасини ҳам тасдиқлайман. Осмондан хабар айтишини ҳам тасдиқлайман, – деди. Шундан сўнг Абу Бакрни «Сиддиқ» – Ўта тасдиқловчи деб атаб бошладилар.

Одамларнинг ичида Байтул Макдисга борганлари бор эди. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўша ердаги масжид, яъни ибодатхонани сифатлаб беришларини талаб қилдилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга масжид кўрсатилди. У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга масжидни – ибодатхонани васф қила бошладилар. Улар: «Аммо васфини тўғри қилди, дейишди-да, сўнгра: «Сен бизнинг карвонимиздан хабар бер», дейишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг карвонидаги туялар сони, аҳволи ҳақида тўлиқ хабар бериб, нихоясида: «Карвон фалон кун куёш чиқиш пайтида етиб келади. Олдинда кулранг туя бўлади», дедилар. Ўша кун ҳаммалари шаҳар четига чиқиб, карвон келишини кута бошлашди. Улардан бири:

– Мана куёш ҳам чиқди, – деди. Бошқаси эса:

– Мана, Аллоҳга қасамки, карвон ҳам кўринди. Олдинда, Мухаммад айтганидек, кулранг туя келмоқда, – деди.

Аммо, шундай бўлса ҳам, иймон келтирганлари йўқ. Исро ҳодисаси буюк мўъжиза эди. Буни билган одамлар иймон келтирмоқлари лозим эди. Аммо иймон келтирмадилар. Қадимда, Бану Исроил ҳам шундай қилган эди. Уларга Аллоҳ томонидан Мусо алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларида, у кишининг руҳий маркази Байтул Мақдис эди. У кишини ҳам Аллоҳ таоло мийқотга чақириб, ўзи билан алоҳида гаплашиб, муҳим нарсаларни тайинлаган эди. Аммо Бану Исроил бунга ишонмади. Қурайшликлар ҳам худди шундай қилмоқдалар. Лекин улар Бану Исроилдан ўрнат олишлари, оқибат нима бўлишини ўйлаб кўришлари лозим эди.

(“Тафсири Ҳилол”дан).

ИСЛОМ – ОСОНЛИК ДИНИДИР!



Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман. Аммо, рўза ҳам тутаман, оғзим ҳам очиқ бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилишган).

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисларида нафл амалларда тежамкор бўлиш, тоқатидан ташқари нарсалар билан ўзини қийнамасликка чақирмоқдалар. Бу ҳадиси шарифнинг айтилишига сабаб бўлган ҳодиса бошқа ривоятларда тўлалигича келтирилган. Бир куни саҳобалардан уч киши Оиша онамиз ҳузурларига келиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нафл ибодатлари

датлари ҳақида сўрашади. Оиша онамиз учовларига бор нарсани айтадилар. Шунда уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нафл амаллари оз кўринади. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдинги ва кейинги гуноҳларини Аллоҳ таоло мағфират қилиб қўйган, у киши қўшимча амал қилмасалар ҳам бўлаверади, аммо биз кўпроқ қўшимча амал қилишимиз керак, дейишади. Улардан бири «мен доимо рўза тутаман, ҳеч оғзим очиқ юрмайман», дейди. Иккинчиси «мен кечаси ухламай намоз ўқийман», дейди. Учинчиси «мен аёлларга уйланмайман», дейди.

Уларнинг бу гаплари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб боради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қаттиқ аччиқланадилар. Сўнгра масжидга чиқиб, намоздан кейин ваъз қиладилар. Биз ўрганаётган ҳадисдаги гапларни айтдилар: «Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман». Яъни, эй одамлар, огоҳ бўлинг, билиб қўйинг. Яна ҳар хил фикрларга бориб, турли гапларни гапириб юрманг. Мендан кўра Аллоҳдан кўпроқ қўрқадиганингиз йўқ, бўлмайди ҳам, бўлиши мумкин ҳам эмас. Мендан кўра Аллоҳга кўпроқ тақво қиладиганингиз йўқ, бўлмайди ҳам, бўлиши мумкин ҳам эмас.

«Аммо, рўза ҳам тутаман, оғзим ҳам очиқ бўлади». Яъни, нафл рўза тутадиган кунларим ҳам бўлади. Оғзим очиқ юрган кунларим ҳам бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари ҳамда ойнинг аввали, ўртаси ва охирида ҳам нафл рўза тутардилар. Шунингдек, нафл рўзага ўта қизиққанлари учун Пайғамбар Довуд алаҳиссаломнинг рўзалари, бир кун тутиб, бир кун очиш маъқул эканини баён қилганлар.

«Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам». Яъни, кечаси ҳам нафл намози ўқийман, керагича ухлайман ҳам. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси керагича ухлар эдилар. Аммо таҳажжуд намозини ҳам ўқир эдилар. Айниқса, туннинг учдан бири қолиб, саҳар яқинлашганда кўпроқ бедор бўлардилар. Бу масалалар ҳам кези келганда батафсил ўрганилади.

«Аёлларни никоҳимга ҳам оламан». Никоҳсиз ўтиш менга мос эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир вақтнинг ўзида тўққизта аёлни ўз никоҳларида олиб турганлари маълум ва машҳур.

«Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмасдир». Яъни, ушбу ва бошқа ишларда ким менинг йўлимни тутмаса, менинг динимда эмас, деяптилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳдан энг кўп қўрқадиган, Аллоҳга энг кўп тақво қиладиган банда эканлари.

2. Аллоҳдан қўрқиш ва У Зотга тақво қилишда ҳеч ким Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўта олмаслиги.

3. Умр бўйи нафл рўза тутиш мумкин эмаслиги, нафл рўзани Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига мувофиқ тутиш зарурлиги.

4. Кечаси билан ухламай, нафл намоз ўқиб чиқиш ўринли эмаслиги, кечаси вақтида ухлаб, Суннатга мувофиқ нафл намоз ўқиб кераклиги.

5. Оила қўрмай юриш яхши эмаслиги.

6. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига рағбат қилмасликнинг диндан чиқишга олиб бориши.

Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳикматига, унинг моҳиятига тушуниб етишга бугунги кунда эҳтиёжимиз катта. Замонлар ўтиши билан “мусулмонман” деб юрганларда ҳам Ислом тўғрисида нотўғри тасаввурлар ўрнашиб қолган. Улар турли динларга оид умумий тушунчани Исломга ҳам ёпиштиришга ҳаракат қилишади. Исломни ҳам бошқа динларга ўхшаш таркидунёчиликдан иборат, деб ўйлашади.

Аслида эса, бундай эмас! Дунёдаги Аллоҳдан энг кўп қўрқадиган банда бўлиш учун ўзини қийнайдиган бирор ишни қилишнинг ҳожати йўқ. Дунёдаги Аллоҳга энг кўп тақво қиладиган банда бўлиш учун оғир, малол келадиган бирор ишни қилиш шарт эмас. Балки таркидунё қилмай, дунёдаги ҳалол нарсалардан тўла баҳраманд бўлган ҳолда, меъёрида ухлаб, еб-ичиб, оила қуриб ҳам энг тақводор, Аллоҳга энг яқин банда бўлиш мумкин.

Бу улкан ҳақиқатни дунёдаги энг маҳбуб банда, энг улуғ пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳолатларидан олиб олиш мумкин. У зот соллаллоҳу алайҳи

васаллам вақтида ухлаб, вақтида ибодат қилардилар. Вақтида ов-қатланиб, вақтида рўза тутардилар. Жуфти ҳалоллари билан оилавий ҳаётни давом эттирардилар.

Ислом Аллоҳнинг дини бўлгани учун унда инсоннинг барча эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Чунки инсонни яратган Аллоҳ унинг эҳтиёжларини ҳам яхши билади. Агар инсон доимо оч юриши керак бўлганида Аллоҳ уни таомга ҳожати тушмайдиган қилиб яратган бўлар эди. Агар инсон доимо овқат еб юриши лозим бўлганида Аллоҳ рўзани фарз қилмас эди. Демак, инсон меъёрида еб-ичиб, меъёрида оч юриши керак. Инсоннинг доимо оч қолишидан Аллоҳга ҳам, инсоннинг ўзига ҳам фойда йўқ. Аммо инсоннинг меъёрида оч қолишида Аллоҳга фойда бўлмаса ҳам, инсоннинг ўзига фойда бор. Ислом одамларни шунга буюради.

Шунингдек, инсоннинг кечаси ухламаслиги керак бўлганида Аллоҳ уни уйқуга хожатли қилиб яратмаган бўлар эди. Агар инсон умуман ибодат қилмай ухлаб ётавериб, ҳайвондан фарқи йўқ жонзотга айланиб қолмаганида уни ибодатга амр қилмас эди. Инсоннинг ҳаддан ташқари кўп ухлашида Аллоҳга ҳам, инсоннинг ўзига ҳам фойда йўқ, балки инсоннинг ўзига зарар бор. Инсоннинг меъёрида ухлаб, меъёрида ибодат қилишида эса Аллоҳга фойда йўқ бўлса ҳам, инсоннинг ўзига фойда бор.

Агар инсон уйланмай ўтиши керак бўлганида, Аллоҳ таоло уни эркак-аёл қилиб, бир-бирига эҳтиёжли қилиб яратмас эди. Шунингдек, инсон жинсий майлининг ҳалол никоҳ йўли билан қондирмай, ҳаром йўл билан қондиргач ҳайвондан фарқсиз ҳолга келмаганида Аллоҳ никоҳни жорий қилмас эди. Инсоннинг уйланмай ўтишидан Аллоҳга фойда йўқ, бандага зарар бор. Шунингдек, банданинг жинсий ҳаётда хоҳлаганини қилаверишида ҳам ўзига зарар бор. Ислом доимо бандаларга яхшиликни раво кўрганидан уларга никоҳ йўли билан, ҳалол-пок равишда жинсий майларини қондиришларини йўлга қўйди.

Исломда ухлаш, овқатланиш, оила ҳаёти каби нарсалар дунёвий иш ҳисобланиб, улардан ҳазар қилишга, четланишга чақирилмайди. Балки бу нарсалар Ислом таълимотларига мос бўлиб, яхши ният билан амалга оширилса, савоб бўлади, ибодат ҳисобланади.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд)

АЛИЙ ИБН АБУ ТОЛИБ

Ҳазрати Алий ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам каби Макканинг Қурайш қабиласи, ҳошимийлар уруғидан. Милодий 600 йили Маккада туғилганлар. Расули акрамни ҳимояга олган амакилари Абу Толибнинг ўғиллари. Оналари Фотима бинти Асад. Абу Толибнинг оиласи катта, шароити оғир бўлгани учун кичик ўғиллари Алий беш ёшидан Расулulloҳнинг уйларида турди, у зотнинг тарбияларида бўлиб, ирфон хазиналаридан файз олди. Кейинчалик Пайғамбаримизнинг қизлари Фотиماи Заҳрога уйланиб, у зотга куёв бўлдилар. Сарвари коинотга пайғамбарлик келганида эркаклардан биринчи Абу Бакр Иломни қабул қилган бўлса, болалардан биринчи бўлиб ўн ёшли Алий мусулмонликни қабул қилди. Ҳазрати Алийнинг бутун ҳаётлари Расулulloҳ алайҳиссалом билан ёнма-ён кечди. Ҳижрат асносида Пайғамбаримиз ҳимоялари учун ҳаётини хавф остига қўйиб, у зотга Қубода етиб олдилар. Илом душманлари билан бўлган жангларнинг барчасида буюк қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) вафот этганларида жасадларини ўзлари ювдилар. Ҳазрати Алий бирор марта бутга сиғинмаганлари ва жоҳилият ифлосликларидан узоқда бўлганлари учун «каррамаллоҳу ваҷҳаҳу» (Аллоҳ юзини мукаррам қилсин) деб сифатланганлар. Бу киши катта олим, Қуръони карим билимдони, фозил, сахий, юксак тақво соҳиби, Иломнинг машҳур нотиғи ва воизи эдилар. Расули акрамдан 586 та ҳадис ривоят қилганлар. Ашараи мубашшарадан ва Хулафои рошидиннинг тўртинчиси эдилар. Беш йил халифалик қилдилар. Умрлари охирида Куфада яшаб, ҳижрий 40 (милодий 661) йили ўн еттинчи рамазон куни хаворижлар юборган Абдурахмон ибн Мулжам деган шахс томонидан ҳалок этилиб, шахид бўлдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом Алийни жуда яхши кўрганлар, иззат-эҳтиром кўрсатиб, ҳурматлаганлар. Бунга у зотдан ривоят қилинган кўплаб ҳадислар гувоҳлик беради: Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен кимнинг мавлоси (ҳомийси) бўлсам, Алий ҳам унинг мавлосидир», дедилар» (Имом Термизий ривояти); Умму Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Алийни мунофиқ яхши кўрмайди. Уни мўмин ёмон кўрмайди», дер эдилар» (Имом Термизий ривояти); Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ мени тўрт кишини севишимга буюрди ва У Зотнинг ўзи уларга муҳаббат қилишининг хабарини берди», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга уларнинг исм-ларини айтиб беринг», дейишди. «Алий улардан биридир», деб уч марта айтдилар. Кейин «Абу Зарр, Микдод ибн Асвад ва Салмон», дедилар. «У Зот уларга муҳаббат қилишни менга буюрди ва ўзи ҳам уларга албатта муҳаббат қилишининг хабарини берди», дедилар» (Имом Термизий ривояти); Ҳабаший ибн Жунада розияллоҳу анҳудан ривоят

қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Алий мандандир. Мен Алийдандирман. Мен адо этишим лозим бўлган нарсаларни фақат ўзим ёки Алийгина адо этади», дедилар» (Имом Термизий ривояти); Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир нарсасўрасам, берар эдилар. Агар сукут қилсам, ўзлари берар эдилар» (Имом Термизий ривояти); Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида бир парранда (гўшти) бор эди. Шунда у зот: «Эй Аллоҳим, ҳузуримга халқингнинг ичидан ўзингга энг сеvimлисини келтиргин, мен билан ушбу паррандадан есин», дедилар. Алий келиб, у зот билан еди»; Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен ҳикмат ҳовлисман, Алий унинг эшигидир», дедилар» (Имом Термизий, Табароний ва Ҳоким ривоят қилишган. Худди шу ривоятнинг Имом ибн Абдул Барр келтирган лафзида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен илмнинг ҳовлисман, Алий унинг эшигидир. Ким илмни истаса, унинг эшигидан келсин», деганлар).

Бу ҳам фақат ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўзларига хос фазилат бўлиб, бунда у кишига бошқалар шерик бўла олмаган. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу мусулмон уммати ичида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг илмли киши эдилар. Ечилиши қийин бўлган масалаларни ўша киши ечар эдилар. Бу ўта машҳур бўлганидан, кенг тарқалган масалга айланиб кетган. Арабларда ҳозиргача бирор масала ечилмай қолса, «Бу бир масалаки, уни ечгани Абул Ҳасан йўқ», деган гап айтилади. Абул Ҳасан ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг куняларидир. Албатта, бу мақомлар ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг мусулмон уммати тарихида ва бутун инсоният тарихида энг шарафли ва комил инсонлардан эканларини кўрсатади.

Ибн Саъд, Табарий ва бошқа уламолар ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг кўринишлари ҳақида қуйидагиларни ривоят қилишган: «У киши ўта буғдойранг эди. Кўзлари катта ва оғир эди. Қорни чиққан эди. Соқоли катта ва қалин эди. Қўкрагидаги жунлари кўп эди. Бўйи пастга яқинроқ эди. Билагининг пайлари йўғон, болдирининг пайлари ҳам йўғон эди. Юзи энг чиройли одамлардан эди. Оқ тушган соч ва соқолини ўзгартирмас эди. Сертабассум эди».

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони каримнинг биринчи оятларини нозил қилиб, у зотни пайғамбар қилиб танлаб олганда Алий ўн ёшли бола эди. Инсоният тарихида энг улкан ўзгариш ясаган бу ҳодисадан биринчилардан бўлиб хабар топган ҳам Алий ибн Абу Толиб бўлди.

Ўша кундан бошлаб, Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу инсониятни зулматдан нурга чиқариш учун Аллоҳ таолонинг амри билан ёлғиз ўзлари кураш бошлаган,

ёнларига турмуш йўлдошлари Хадижа онамизни қўшган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу эзгу ишларига учинчи киши бўлиб қўшилдилар. Алий ўша кундан бошлаб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таоло томонидан юборилаётган ояти карималарни биринчилардан бўлиб эшитадиган, ўқиб-ўқадиган ва амал қиладиган кишига айландилар. У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажрамас, у кишининг барча ишларида бирга бўлар эдилар. Улар Исломга оид барча нарсаларни ҳеч кимга билдирмай, сир сақлар эдилар. Намозни ҳам беркиниб ўқишар эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хижратлари асносида Алий ибн Абү Толиб розияллоҳу анҳу катта шижоат ва жасорат кўрсатган эдилар. Бу ҳақда имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтиради: «Қурайш бир кеча Маккада машварат қилди. Кимдир эрталаб: «Муҳаммадни ушлаб, боғлаб қўйинглар», деди. Бошқалари эса: «Йўқ, уни ўлдириш керак», дейишди. Баъзилари: «Маккадан чиқариб юборинглар», деди. (Охири улар ҳар қабиладан биттадан кучли ва чапдаст йигитни танлаб олиб, бир гуруҳ тузиш ва ўша гуруҳ кечаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ётган жойларига бостириб кириб, баравар бирданига қилич солишга келишдилар. Шундай қилинганда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қонлари барча қабилаларга тенг тар-қаб, у кишининг қариндошлари ҳеч кимдан ўч ола билмасликлари кўзда тутилган эди.)

Аллоҳ таоло буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга билдирди. Ҳазрати Алий Расулulloҳнинг тўшақларига кириб ётди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, Маккадан чиқиб, ғоргача етиб олдилар. Мушриклар Алий розияллоҳу анҳуни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деб ўйлаб, кечаси билан пойлаб чиқдилар. Эрталаб ёпирилиб кириб, Алийни кўрганларида Аллоҳ уларнинг макрларини фош этди. Улар: «Оғайнинг қани?» деб сўрадилар. Алий: «Билмайман», деди. Улар Расулulloҳни изларидан ахтариб кетишди. Тоққа етганларида адаштириб қўйишди. Тоғнинг тепасига чиқиб, у зот Абү Бакр билан яшириниб ўйрган ғор ёнидан ўтишди. Ғорнинг оғзидаги ўргимчак уясини кўриб: «Агар у бу ерга кирганида, ўргимчак уяси бўлмас эди», деб ўтиб кетишди. Расулulloҳ ўша жойда уч кун қолдилар».

Мадинада Ислом жамиятининг шаклланиши ва ривожланиб боришидаги барча ишларда ҳазрати Алий ибн Абү Толиб розияллоҳу анҳу фаол қатнашдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинаи Мунавварага хижратларининг иккинчи йили, аниқроғи, хижратдан ўн тўққиз ой ўтиб, Рамазон ойида катта Бадр уруши бўлди. Нафақат Ислом тарихида, балки бутун инсоният тарихида Бадр урушининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу уруш бўлиб ўтган кунни Аллоҳ таоло «Фурқон куни», яъни, ҳақ билан ботил фарқланиб, ажрим бўладиган кун, деб номлаган. Ўша куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқ тикишга амр этдилар. Байроқлар учта эди. Бирини Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу кўтариб юрди. Қолган иккитасининг ранги қора бўлиб, уларни Алий ибн Абү Толиб ва Саъд ибн Муозлар кўтаришди. Инсоният

тарихидаги энг ҳал қилувчи урушда иймон лашкарининг байроқдори (яловбардори) бўлиш ҳазрати Алий ибн Абү Толиб розияллоҳу анҳуга насиб этди. Бу ҳам у кишининг мислсиз фазлларида бири эди.

Расули акрамнинг қизлари Мадинага кўчиб келишгач, ҳазрати Фотиманинг қўлини сўраб, бир неча улuf саҳобалар совчи қўйишди. Аммо Расулulloҳ уларни қайтаравердилар. У зот суюкли қизларини ҳазрати Алийга завжаликка муносиб кўрганларини сезган саҳобалар Алийга бу ҳақда маслаҳат беришди. Алий ибн Абү Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаху уларнинг гапларидан шижоатланиб, Фотимаи Заҳронинг қўлларини сўраш учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинроқ жойда турдилар ва у зот эшитадиган қилиб: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларига совчилик қилмоқчи бўлган эдим. Ўзимнинг бирор нарсам ҳам йўқ эди. Аммо яқинлик ва меҳрларидан умидвор бўлиб сўрадим», дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапни дарҳол мулоҳаза қилдилар ва у кишига оғир ботмайдиган қилиб: «Бирор нарсанг борми (махрга)?» дедилар. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», деб жавоб бердилар Алий. «Хўтабийя совутинг қани?» дедилар. «Ўзимда, эй Аллоҳнинг Расули», дедилар. «Бўлмаса, ўшани бер», дедилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Алий ибн Абү Толиб тезда бориб, совутни олиб келдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни сотиб, келинга сеп қилишни буюрдилар. Совутни Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу тўрт юз етмиш дирҳамга сотиб олди. Алий ибн Абү Толиб розияллоҳу анҳу бу пулни келтириб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйдилар. У зот муборак қўллари билан уларни олдилар ва бир қисмини Билол розияллоҳу анҳуга бериб, атир ва хушбўй нарса сотиб олиб келиш учун топширдилар. Қолганини Умму Салама розияллоҳу анҳога бериб, келинга керакли нарсаларни сотиб олишни тайинладилар. Сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларини чақириб, қизлари Фотимани Алий ибн Абү Толибга тўрт юз мисқол кумуш маҳр билан, қоим суннат ва вожиб фаризат шарти ила никоҳлаб бераётганларига уларни гувоҳ қилдилар. У зот никоҳ хутбасини келин-куёвнинг ҳақларига дуо қилиш, уларга бахт-саодат ва солиҳ зурриёт тилаш билан тамомладилар.

Алий ибн Абү Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаху ўта камбағал ва дунё ишларига зоҳид бўлганларидан уларнинг ҳаётлари йўқчилик, иқтисодий танглик билан ўтар эди. Бу ҳақиқат мўътабар ҳадис, сийрат ва тарих китобларимизда келган кўплаб ривоятларда аксини топган.

Хижратнинг учинчи йили шаввол ойида Уҳуд жанги бўлди. Унда Аллоҳ таолонинг лашкарлари ўз динлари ва ватанларини ҳимоя қилиб, тоғутнинг лашкарлари устига шердек ташландилар. Аллоҳнинг лашкарлари орасида «шери Худо» лақабини олган ҳазрати Алий ибн Абү Толиб розияллоҳу анҳу фидокорликлари билан алоҳида ажралиб турар эдилар. Ҳазрати Алийнинг баҳодирлиги, шижоати ва душманга бўлган нафрати ибратга лойиқ эди. У киши кескир қиличларини ҳавода ўйнатиб, «Аллоҳу акбар!» деб, мушрикларнинг бошига тинмай ажал уруғини сочар

эдилар. Жанг давомида мисли кўрилмаган қахрамонлик ва фидокорлик кўрсатиб урушаётган мусулмонларнинг байроқдори Мусъаб ибн Умайр розияллоху анху шаҳид бўлдилар. Ислом байроғи у кишининг қўлидан тушиб кетди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Алий ибн Абу Толиб каррамаллоху ваҳжаҳуни чақириб, байроқни у кишига топширдилар. Ҳазрати Алий эса, бир қўллари билан Ислом байроғини, иккинчи қўллари билан машҳур зулфиқор қиличларини тутиб, мушрикларга қирон келтиришни давом эттирдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бу икки шўхрат эгасини тақдирлаб: «Зулфиқордек қилич йўқ, Алийдек йигит йўқ», деганлар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Алий ибн Абу Толиб каррамаллоху ваҳжаҳуни бир неча жангчи гуруҳлар, яъни, сарийяларга бошлиқ қилиб, алоҳида топшириқлар билан ҳам юборганлар. Бу сарийяларнинг энг каттаси Яманга юборилган сарийя эди. Уларнинг ҳаммасида ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху ўзларига Набий соллаллоху алайҳи васаллам томонларидан юкланган вазифаларни шараф билан адо этганлар. Умму Атиия розияллоху анҳодан қилинган ривоятда у киши айтадилар: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир лашкар юбордилар. Уларнинг ичида Алий ҳам бор эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам қўллари кўтариб туриб: «Эй Аллоҳим, менга Алийни кўрсатмай туриб мени вафот эттирмагин», деганларини эшитдим» (Имом Термизий ривояти).

Ҳижратнинг бешинчи йили бўлган Ҳандақ (Аҳзоб) урушида ҳам ҳазрати Алий бемисл жасорат кўрсатдилар. Қурайшликлардан Амр ибн Абди Вурд ал-Омирий мусулмонларни яккама-якка олишувга чақирди. Ҳазрати Алий икки марта у билан олишувга чиқмоқчи бўлдилар, аммо икки сафар ҳам Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам у кишини қайтардилар. Амр мусулмонларни айблай бошлаганидан кейин ҳазрати Алий унга қарши чиқдилар. Иккалалари тўқнашган пайтда ҳазрати Алий Амр-га: «Эй Амр, қурайшлик бирор киши сени икки нарсага чақирса, яхшисини олишга Аллоҳга аҳд қилган эдинг-ку?!» деди. «Тўғри», деди Амр. «Мен сени Аллоҳга, Унинг Расулига ва Исломга қаираман», деди Алий. «Менга уларнинг кераги йўқ», деди Амр. «Мен сени олишувга қаираман», деди Алий. «Нима учун, эй жиян? Аллоҳга қасамки, мен сени ўлдиришни хоҳламайман», деди у. «Мен сени ўлдиришни истайман», деди Алий. Шунда Амр қизишиб кетди ва эгардан тушиб, отини сўйиб юборди. Алий билан жангга ҳозирланди. У Алийга томон юрди. Олишув бошланди. Амр қилич солган эди, Алий қалқони билан тўсди. Аммо қилич қалқонни ёриб ўтиб, Алийнинг бошини яралади. Алий ўз навбатида музаффар қиличи билан кучли зарба бериб, Амрни қатл этди. Мусулмонлар такбир айтишди. Қолган мушриклар орқаларига қарамай қочишди.

Хайбар уруши ва унда ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг кўрсатган мислсиз қахрамонликлари ҳақида ҳадисларда, уруш, сийрат ва тарих китобларида жуда кўплаб маълумотлар келган. Улардан баъзиларини келтирамиз: Салама ибн Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Хайбарда Алий Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ортда қолган эди. Унинг кўзи оғриб қолган эди. У «Мен ортда қолар эканманми?!» деди-да,

Набий соллаллоху алайҳи васалламга етиб олди. Аллоҳ фатҳ қилган тонгнинг кечасидан олдинги оқшом чоғида Расулulloху соллаллоху алайҳи васаллам: «Эртага байроқни Аллоҳ ва Унинг Расули яхши кўрадиган кишига бераман ёки Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрадиган киши олади. Аллоҳ унга албатта фатҳ беради», дедилар. Қарасак, Алий турибди. Шунинг умид қилган эдик. «Мана, Алий», дейишди. Бас, Расулulloху соллаллоху алайҳи васаллам байроқни унга бердилар. Аллоҳ унга фатҳ берди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг Хайбар куни Алий ибн Абу Толиб каррамаллоху ваҳжаҳу: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи, сен учун энг афзал неъматлардан кўра яхшироқдир», деган сўзлари мусулмонларнинг фатҳ ишларидаги шиори бўлиб қолган эди. Ҳазрати Алийнинг Ҳандақ ва Табук ғазотларидаги жасоратлари, фидойиликлари ҳам тилларда дoston бўлган.

Зулҳижжа ойидан беш кун қолганда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳаждан қайтиб келдилар. Янги, ўн биринчи ҳижрий йилнинг биринчи оyi муҳаррам ҳам ўтди. Сафар ойининг охирига келиб, душанба куни у кишининг хасталиклари бошланди. Расулulloху соллаллоху алайҳи васалламнинг беморликлари қарашда эркаклардан ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху бошқош бўлиб турдилар. У зотнинг вафотлари, дафнлари ва бунга тегишли барча ишларда ҳазрати Алий каррамаллоху ваҳжаҳу барча ишларни бошқардилар. Имом Ибн Можа, Ибн Саъд ва Табароний қилган ривоятнинг имом Табароний Ибн Аббос розияллоху анҳудан келтирган матнида қуйидагилар айтилади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам оғирлашиб қолганларида ҳузурларида Оиша ва Ҳафса бор эди. Бирдан Алий розияллоху анху кириб келди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам уни кўришлари билан бошларини кўтардилар ва: «Менга яқинроқ кел! Менга яқинроқ кел!» дедилар. У келиб, у зотни ўз кўксига суяди. Сўнгра вафот этгунларича у зотнинг олдиларида бўлди. Вафот этганларида эса у зотни ювиш, жанозаларини ўтказишга бош бўлди.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллох ибн Муҳаммаддан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Расулulloху соллаллоху алайҳи васаллам сўрига қўйилганда Алий: «У зотга (жанозасига) биров имом бўлмайди. У зот тирикликларида ҳам, майитликларида ҳам имомингиздир», деди. Одамлар тўп-тўп бўлиб кириб, саф-саф бўлиб туриб, жаноза ўқир эдилар. Уларнинг имоми йўқ эди. Алий Расулulloху соллаллоху алайҳи васалламнинг тўғриларида туриб олиб: «Ассалому алайка, айюҳаннабийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу! Эй Аллоҳим! Биз гувоҳлик берамиз. У зот ўзларига нозил бўлган нарсани етказдилар. Умнатга насиҳат қилдилар. Аллоҳнинг йўлида то Аллоҳ динини азиз қилгунча ва калимасини олий қилгунча уруш қилдилар. Эй Аллоҳим! Бизни у зотга нозил бўлган нарсага эргашадиганлардан қилгин. У зотдан кейин бизни саботли қилгин. У зот билан бизни жам қилгин», дер эди. Одамлар «Омин!» дейишар эди. Шундай қилиб, у зотга эр кишилар, сўнгра аёллар, кейин болалар жаноза ўқидилар». Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламни Алий ибн Абу Толиб, Фазл ибн Аббос

ва Усома ибн Зайд розияллоху анхум қабрга қўйганлар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин мусулмонлар оммаси Абу Бакр Сиддиқни халифа қилиб сайлаганларида ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху ҳам у кишига байъат қилдилар. У киши бу маънодаги баъзи тушунмовчиликлар ва хилофга сабаб бўладиган ҳолатларга ҳам қаттиқ қарши турдилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан қолган мерос ҳақидаги биринчи халифа билан Фотима онамиз ораларида бўлиб ўтган тушунмовчиликда икки тарафни яраштиришга ҳам айнан ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху ҳаракат қилдилар.

Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху биринчи халифа даврида иккинчи вазир бўлган бўлсалар, иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврларида халифага яна ҳам яқинроқ бўлдилар. Ҳеч бир шўро мажлиси у кишисиз ўтмас, халифа ҳам ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг фикрларини олмай туриб, бирор катта ишга қарор қилмас эди. Ҳазрати Умарнинг даврларида ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху Ислом жамиятининг бош қозиси ҳам эдилар. Ибн Саъд Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб: «Алий ичимизда энг яхши қозидир», деди». Ибн Саъд Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб Алий йўқ бўлган пайтдаги қийин масалада Аллоҳнинг паноҳини сўраб эди».

Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг даврларида ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг Ислом жамиятидаги тутган ўринлари яна ҳам юқорига кўтарилди. Аввало, Алий ибн Абу Толиб каррамаллоху важ-ҳаҳунинг ўзлари худди ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху каби халифаликка муқобил номзод бўлсалар-да, ўз номзодларини қайтариб олмаган бўлсалар ҳам, Абдуррахмон ибн Авф розияллоху анху ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг номзодларини олдинга сурганларида у кишидан кейин биринчи бўлиб байъат қилдилар. Кейин эса у кишининг ёнларида туриб, ихлос билан хизмат қилдилар. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху деярли ҳар бир ишда ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхусиз қарор қабул қилмас эдилар.

Имом Табарий Муҳаммад ибн Ҳанафийядан ривоят қиладилар: «Усмон розияллоху анху қатл қилинганида отам билан бирга уйда эдим. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари келиб ҳазрати Алий розияллоху анхуга: «Анави киши қатл қилинди, энди одамларга имом лозим. Бугунги кунда бу ишга сендан кўра ҳақли одам йўқ. Сендан аввал Исломга кирган ҳам йўқ. Сендан кўра Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга яқин ҳам йўқ», дейишди. «Бундай қилманглар, менга вазир бўлганим амир бўлганимдан яхшидир», деди. «Аллоҳга қасамки, сенга байъат қилмай қўймаймиз», дейишди. «Ундай бўлса, фақат масжидда, менга байъат махфий бўлмаслиги керак. Менга байъат фақат мусулмонларнинг розилиги билан бўлиши керак», деди. У киши масжидга кирганида муҳожирлар байъат қилишди. Сўнгра бошқалар байъат қилишди».

Сўнгра ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху минбарга чиқиб, халифа сифатида ўзларининг биринчи

хутбаларини қилдилар. Аллоҳ таолога ҳамду сано айтганларидан кейин қуйидагиларни айтдилар: «Албатта, Аллоҳ азза ва жалла ҳидоят қилувчи Китоб нозил қилгандир. Унда яхшилик ва ёмонлик баён қилингандир. Бас, яхшиликни олингиз, ёмонликни қўйингиз! Аллоҳнинг фарзларини адо қилсангиз, У Зот сизга жаннатни беради. Албатта, Аллоҳ ҳаромларни ҳаром қилгандир. Улар маж-ҳул эмасдир. У Зот мусулмоннинг ҳурматини ҳамма ҳурматлардан афзал қилди. Мусулмонларни ихлос ва бирликка қаттиқ амр қилди. Одамлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган киши чин мусулмондир, фақат ҳақ билан бўлса, мустасно. Мусулмонга озор бериш жоиз эмас, фақат вожиб бўлган нарса билан бўлиши бор».

Ислом оламининг раҳбари бўлишига қарамай халифа Алий камтарлигини, ҳоксорлигини, озига кўниб, оддий кийимини ва зухду тақвосини унутмади. Абу Нуъайм Амр ибн Қайсдан ривоят қилади: «Алийга: «Эй мўминларнинг амири, нима учун қўйлагингизни ямаб юрасиз?» дейилди. «Қалбнинг хушўси учун ва мўминнинг иқтидо қилиши учун», деди»; Абу Нуъайм Зайд ибн Ваҳддан ривоят қилади: «Алийнинг ҳузурига Басра аҳлининг ҳайъати келди. Уларнинг ичида хавориж аҳлидан Жаъд ибн Наъжа деган ҳам бор эди. У Алийни кийимида айблади. Шунда Алий: «Кийимимга нима бўлибди? Кибрдан узокроқ, мусулмоннинг иқтидо қилишига лойиқроқ», деди»; Аъмаш розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Алий розияллоху анху тушликка ҳам, кечқурун-га ҳам Мадинадан келтирган нарсасини ер эди»; Абу Нуъайм Абдуллох ибн Шарикдан, у бобосидан ривоят қиладилар: «Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхуга фолунж келтирилди ва олдида қўйилди. Шунда у: «Албатта, сенинг ҳидинг ёқимли, рангинг гўзал, таъминг ёқимли, лекин мен нафсимни ўрганмаган нарсасига ўргатишни хоҳламайман», деди».

Имом Бухорий «Адабул-муфрад»да кийимфуруш Солиҳдан, у момосидан ривоят қиладилар: «Алий розияллоху анхунинг бир дирҳамга хурмо олиб, дастрўмолига солиб, кўтариб кетаётганини кўрдим. Бир одам: «Эй мўминларнинг амири, сизнинг ўрнингизга мен кўтарай», деди. «Йўқ. Оила бошлиғи ўзи кўтариши яхшидир», деди у»; Ибн Асокир Зазаондан ривоят қилади: «Алий розияллоху анху волийлик вақтида бозорларда ёлғиз ўзи юрар эди. Адашганга йўл кўрсатар, йўқолган нарсани эълон қилар ва заифга кўмак берар эди. Савдогар ва баққолларнинг олдида ўтганда, «Ўша охират диёрини Биз ер юзида такаббурлик ва бузғунчиликни истамайдиганлар учун қилурмиз» оятини тиловат қилар ва: «Ушбу оят одамларга волий ва аҳли қудрат бўлганлардан адолатли ва тавозуълилари ҳақида нозил бўлган», дер эди».

Ҳазрати Алий саҳобаларнинг энг улуғ олимларидан эдилар. Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида у зотга нозил бўлган ояти карималарни ёзиб борган оз сонли котибларидан бўлиш билан бирга, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган ва ёд олганларини у зотга ўқиб бериб, ўтказиб олган қорилардан бири ҳам эдилар. Кейинчалик у киши Қуръони Каримни Набий соллаллоху алайҳи васалламдан қандай қабул қилиб олган бўлсалар, бошқаларга ҳам

худди ўшандай қилиб ўтказдилар. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳудан Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб, ўтказган улўф зотлар ичида Абул Асвад ад-Дуалий, Абу Абдуррахмон ас-Силмий, Абдуррахмон ибн Абу Лайло ва бошқалар бор эдилар. Қуръони Каримнинг машҳур етти қироатидан бири бўлган «Ҳамза қироати» ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилиниши бежиз эмас.

Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ҳам катта илмий хизмат қилганлар. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан беш юз саксон олтита ҳадиси шарифни ривоят қилганлар. Бу ҳадиси шарифларни ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўғиллари, катта саҳобийлар ва тобеъинлар ривоят қилишган. У кишидан ривоят қилинган хутбалар, мактублар ва турли муносабатларга оид фикрлар у кишининг ҳақиқий улкан олим эканларининг ёрқин далилидир. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ва Саййид Муртазо томонидан жамланган «Наҳжул балоға» китоби ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлган. Бу китоб қадимдан катта эътибор билан ўрганиб келинган ва унга кўплаб шарҳлар ёзилган.

Ҳазрати Алийнинг халифалик даври улкан фитналар замониға тўғри келди. У кишининг раҳбар бўлганларида Жамал ва Сифийн воқеалари юз берди. Ҳазрати Алий турли тофачи ва фитначи гуруҳларға қаттиқ қарши турдилар, Ислон биродарлигини асраб қолиш, фитналарға барҳам беришда мислсиз матонат ва жонбозлик кўрсатдилар. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу фитначи хаворижлар билан турли йўллари ишға солиб, гаплашиб кўрдилар, насиҳат қилдилар, аммо фойдаси бўлмади. Ниҳоят, уларни йўлга солишдан умидларини узганларидан сўнг: «Агар бизға қарши хуруж қилмасангиз, сизларни масжидларимиздан ман қилмаймиз. Модомики, қўлларингиз биз билан экан, сизларни ўлжадан маҳрум қилмаймиз. Бизға қарши уруш қилмагунингизча, биз сизға қарши уруш қилмаймиз», дедилар. Бу ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ниҳоятда бағрикенг инсон эканларига яна бир далилдир. У киши ўзларини кофир деб турган қавмға ана шундай илтифотларни кўрсатаётган эдилар.

Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу ўз одамларига урушни зинҳор аввал бошламасликни қаттиқ тайинлаб қўйган эдилар. Хаворижлар биринчи бўлиб уруш бошладилар. Урушда уларнинг деярли барчалари қирилиб битди. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳунинг одамларидан етти киши шаҳид бўлдилар, холос. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хаворижларнинг чиқиши ҳақида ўз ҳадиси шарифларидан бирида олдиндан хабар айтиб қўйган эдилар. Бу ҳадиси шарифни ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан имом Муслим ва имом Абу Довудлар ривоят қиладилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Муҳаммад алайҳиссалом дорилфунунларининг пешқадам толиби ўзларининг соф иймонлари билан номардлар, хоинлар ва ҳийлакорларға рўбарў бўлиб қолган эдилар. Аммо у киши нима бўлганда ҳам, иймонни саломат сақлашни барча нарсадан устун қўйган эдилар. Алий ибн Абу То-

либ каррамаллоҳу ваҳҳаҳу дои—мо ҳақ йўлни ахтарар ва Аллоҳ таолонинг розилигини топадиган ишни қилишға ҳаракат қилар эдилар. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу қаёққа бурилсалар, ҳақ ҳам ўша ёққа бурилишини эса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилиб, Аллоҳ таолодан сўраган эдилар.

Ўша куни ҳазрати Алийни ўлдиришға қасд қилган хаворижлардан Абдуррахмон ибн Мулжам иккита одами билан ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни намозға чиқадиған жойларида кутиб турди. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу одатдагидек, одамларни бомдод намозига ўйғотиб, ўзлари келавердилар. Абдуррахмон ибн Мулжам пойлаб туриб, у кишининг қоқ пешоналарига қилич билан урди. Қон отилиб, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг соқолларини бўйди. Одамлар қаттиқ яраланган ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни уйлариға кўтариб олиб кетишди. У киши йўлда зўрға кўзларини очиб, ўзларини кўтариб кетаётганларға: «Намоздан кеч қолманглар», дедилар.

Одамлар намозни ўқиб бўлиб, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан хабар олиш учун югурдилар. Шу пайт қотилни ҳам ушлаб олиб келишди. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу кўзларини аранг очиб, қотил Абдуррахмон ибн Мулжамни танидилар ва: «Сенмидинг? Сенға доим яхшилик қилган эдим-ку!» дедилар. Сўнгра ўғилларига, ўз одамларига назар солдилар. Уларнинг барчаси қотилни парчалаб ташлашға шайланиб турар эдилар. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу уларға қараб: «Буни яхши жойға қўйинглар. Яхшилаб қаранг—лар. Агар яшаб кетсам, уни нима қилишни ўзим биламан. Қасос оламанми, афв қиламанми, бу менинг ишим. Агар ўладиган бўлсам, уни менинг ортимдан жўнатинглар. У билан Роббил олабийн—нинг ҳузурида хусуматлашаман. Мен учун бундан бошқани ўлдирманглар. Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошганларни хуш кўрмас», дедилар.

Амирул мўминин ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуға жума куни бомдоддан олдин суиқасд қилинган бўлса, у киши шанба куни мағриб вақтида жон таслим қилдилар. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу бу дунёни тарк этганларида олтмиш уч ёшда эдилар. У кишининг халифаликлари уч ойи кам беш йил давом этди. Ибн Саъднинг таъкидлашларича, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни ўғиллари Имом Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда Абдуллоҳ ибн Жаъфар ювганлар. Жанозаларини Имом Ҳасан ўқиганлар.

Машҳур тарихчиларимиздан Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳининг таъкидлашларича, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Куфадаги Дорул Хилофаға дафн қилинганлар. У кишининг яқин кишилари жаноза маросимларини ва дафнларини хаворижлардан махфий тутиш учун яширин ҳолатда ўтказганлар. Шунинг учун ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг жанозалари ва дафнлари ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар кам. Аксинча, турли ишончсиз маълумотлар бисёр.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

**Журнал мухлисларининг саволларига шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад ЮСУФ ҳазратлари жавоб берадилар:**

ГЎДАК ФАРЗАНДИДАН АЙРИЛГАНЛАР ЖАННАТИЙМИ?

Йигирма ёшимда икки фарзандимдан ажрадим. Аммо сабр қилдим, оналик бахтига мушарраф этгани учун Аллоҳга ҳамдлар айтдим. Бола гўдаклигида оламдан ўтса, ота-онаси учун Аллоҳдан шафоат тилаб, жаннат эшиги ёнида уларни кутиб турар экан, деб эшитдим. Шу гапда асос борми?

ЖАВОБ: Фарзандлари чақалоқлигида ўлиб кетган ота-оналар учун дўзах ўти ҳаромлиги, улар албатта жаннатга тушишлари ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир неча ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Шулардан айримларини келтираимиз.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳудан бундай ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Кимнинг учта боласи вафот этса, бу Аллоҳ таолонинг иродаси деб сабр қилса, ана шу сабри учун Аллоҳдан савоб умидида бўлса, у албатта жаннатга киради", деганларида биз: "Эй Расулуллоҳ, агар унинг иккита боласи ўлиб, шунга сабр қилган бўлса-чи?" деб сўрадик. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Иккита бўлса ҳам", дедилар" (Имом Бухорий ривоят қилган).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Қайси бир мусулмон кишининг учта фарзанди ўлган бўлса, дўзах ўти унга тегмайди", дедилар (Имом Бухорий ривоят қилган).

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: "Агар бирор банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло фаришталарига: "Бандам фарзандининг руҳини олдингларми?" дейди. Улар: "Ҳа", деб жавоб беришади. Сўнг Аллоҳ: "Қалбининг мевасини қабз қилдингларми?" дейди. Фаришталар яна: "Ҳа", деб жавоб беришади. "Бандам нима деди?" деб сўрайди Аллоҳ таоло. Фаришталар: "Сенга ҳамд ва истиржоъ айтди", дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: "Бандам учун жаннатда бир уй қуришлар ва уни "ҳамд уйи" деб аташлар", дейди" (Аллоҳ билувчидир).

ҚАНЧА ИДДА ЎТИРИШ КЕРАК?

Эри талоқ қилган ёки эри ўлган аёл идда ўтириши керак экан. Идданинг муддати қанча? Шулар ҳақида маълумот беришларингизни илтимос қиламан.

ЖАВОБ: «Иддат ал-маръа» – маълум вақт, санаш, аёллар учун белгиланган муҳлат, дегани. Шаръий истилоҳда эри ўлган ёки эридан ажрашган хотинларга бошқа эрга чиқиши мумкин бўлиши учун ўташи шарт бўлган муҳлат. Эри ўлган ё талоқ қилинган аёллар идда муддати ўтмагунча бошқага турмушга чиқишлари мумкин эмас. Идда Қуръони карим ҳукми билан собит бўлган. Идда муддати эри ўлган аёл учун тўрт ой-у ўн кун, эридан ажралишган ва ҳайз кўрмайдиган аёл учун – уч ой. Ҳайз кўрадиган аёл иддаси уч ҳайзидир. Идда муддати аёлни ўлган ёки ажрашган эридан ҳомиласи бор-йўқлигини аниқлаш, эрига қайта ярашиш имконияти бериш билан боғлиқ. Ҳомиладор аёлнинг иддаси у туққунча бўлади (Аллоҳ билувчидир).

БАЪЗИ ИШЛАРДА ЭРГА БЎЙСУНМАСА БЎЛАДИМИ?

Агар эр хотиндан безаниб юришни, уйдан бошқа жойларда, бегоналар олдида сочини очиб юришни талаб қилса, хотин унга бўйсунми керакми? Агар бўйсунмаса, талоқ билан кўрқитса-чи?

ЖАВОБ: Йўқ, у эрнинг бундай талабига бўйсунми мумкин эмас. Зеро, Холиққа гуноҳкор бўлиб, махлуққа итоат этилмайди. Эрнинг талоқ билан кўрқитиши аёлни масъулият ва гуноҳдан халос этмайди. Агар эрнинг бундай жоҳилона талабларини бажарса, аёл ҳам, эри ҳам гуноҳкор бўлади. Эрнинг гуноҳи хотиннинг гуноҳидан кўпроқ бўлади. Агар бу эр аёлларнинг ифбатларини сақлаб қийиниб юришларини маданиятсизлик ва ёмон одат деб ҳисобласа, динда зарур деб билинган шаръий ҳукмларни писанд этмагани учун кофир бўлади (Аллоҳ билувчидир).

ЭМИҚДОШ АКА-СИНГИЛНИНГ ҲУКМИ НИМА?

Эмиқдошлик ҳақида бир неча саволларим бор: эр-хотин ўзларининг эмиқдош ака-сингил эканлигини билишса, нима қилишади? Уларнинг фарзандларининг ҳукми нима? Бир эр-как ё аёл қандайдир эр-хотиннинг эмиқдош эканлигини билса, буни уларга айтиши вожибми? Бағрига олган ё эмизган аёл бағрига олгани ё эмизгани учун ҳақ олиши мумкинми?

ЖАВОБ: Агар эр-хотин бир-бирларининг эмиқдошлари эканларини билишган заҳоти зудлик билан ажралишлари вожиб бўлади. Қозига мурожаат қилиб, ажралганларини қайд эттиришлари керак. Фарзандлари қонуний фарзанд бўлади. Насаблари уларга боғланишида шубҳа бўлмайди. Эмиқдош ака-сингил эканлигини билгунларича бўлган муносабатлари учун гуноҳкор бўлмайдилар. Бирор киши бошқа бир эр-хотиннинг эмиқдош эканларини билгудай бўлса, буни уларга айтиши вожиб бўлади. Бундан сўнг масъулият улар зиммасига тушади. Етим қолган болани бағрига олган ёки ўзга бир эр-хотиннинг боласини эмизиганга олган аёл эмизгани учун ҳақ олиши шариятимизда бор нарсаси. Аммо гўдакнинг туққан онаси талоқ қилинмаган бўлса, бу иши учун ҳақ олиши мумкин эмас. Агар талоқ қилинган бўлса, ҳақ олса бўлади. Ҳатто гўдакнинг онаси ўзга аёлдан кўра бунга муносиброқдир (Аллоҳ билувчидир).

ФАРЗАНД ТУҒИЛГАНИДА НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?

Аллоҳ бизга фарзанд ато этди. Фарзанд туғилиши эр-хотинга қандай вазифаларни қўяди?

ЖАВОБ: Бола туғилганидан сўнг қилиниши лозим бўлган суннат ва мустаҳаб ишларнинг муҳимлари қуйидагилар:

1. Гўдак туғилганидан хушхабар бериш ва у билан қутлаш мустаҳабдир. Зеро, хушхабар мусулмонни қувонтиради ва хурсанд этади. Инсон фарзанди туғилса ё аёлининг ҳомиладорлиги билинса ҳам, хурсанд бўлиши мустаҳабдир. Марям сурасининг 7-ояти мазмуни шундай: «Эй Закариё! Биз сизга Яхё деб исмланган бола ато қилишимиз хушхабарини берамиз. Бу ном билан олдин ҳеч бирни атамаганмиз». Аллоҳ

таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва унинг аёлларига ҳам фарзанд хушхабарини берган.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳдан табрик борасида шундай ривоят қилинади: у зотнинг олдиларида фарзанд кўрган бир киши ўтирарди. Ҳузурларига яна бир киши келди ва унга: «Отлиқ севинтирсин», деб табриклади. Шунда Ҳасан Басрий: «У отлиқми ёки эшакбоқарми, қаёқдан биласан?» дедилар. «Унда нима дейишимиз керак?» деди у одам. «Аллоҳ фарзандингизни муборак қилсин, берган Зотга шукрли бўлинг, фарзандингиз камолга етсин ва унинг яхшилиги сизга насиб этсин, деб айтинг», дедилар Ҳасан Басрий.

2. Чақалоқ туғилганидан кейин биринчи эшитадиган сўзи азон бўлиши учун ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтиш мустаҳабдир.

3. Чақалоқ туғилгач, отаси ё бошқа фозил киши хурмо ё шунга ўхшаш нарсани чайнаб, уни чақалоқ оғзига суриши, танглайини кўтариши ҳам мустаҳаб. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромлардан бир нечаларнинг фарзандларига шундай қилганлар. Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмонинг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр (Аллоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин) туғилганларида Пайғамбаримиз шундай қилганлар. Асмо унга Маккада ҳомиладор эдилар ва Мадинага ҳижрат қилиб Қубога келишлари билан Абдуллоҳни туғдилар. Уни Расулulloҳ ҳузурларига олиб борганларида, Расулulloҳ хурмо келтиришларини сўрадилар ва хурмони чайнаб уни оғзига туғладилар. Шундай қилиб, унинг қорнига биринчи кирган нарса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тупуклари бўлди. Сўнг хурмо билан оғзини сурдилар ва ҳақиқа дуо қилдилар, унга барака тиладилар. Абдуллоҳ Мадинадаги муҳожирларнинг Ислолда туғилган биринчи чақалоғи эди.

4. Бола туғилганида унга яхши ном қўйиш суннатдир. Ном қўйишни етти кундан кечиктириш номаъқул. Имом Муслим Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бу кеча бир ўғил кўрдим, уни отамнинг исми билан Иброҳим деб номладим». Расулulloҳнинг бу ўғиллари Марям Қибтийя розияллоҳу анҳудан туғилган эди. У чўрилари эди. Муслмон бўлган эди. Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: «Аллоҳ азза ва жаллага энг суюкли исмларингиз Абдуллоҳ ва Абдурахмондир». Бошқа ҳадисларида айтадилар: «Пайғамбарларнинг номларини олинг!» Исмларни бузиб айтиш макруҳ бўлади.

5. Ўғил болани хатна қилиш суннатдир. Уни кечиктириш макруҳ. Хатна барча пайғамбарларнинг суннатидир (Аллоҳ билувчидир).

ТИЛАНЧИГА НИМА БЕРГАН МАЪҚУЛ?

Уйимизга бир аёл келиб тиланчилик қилди. Мен унга нон олиб чиқиб берсам, аёл: «Менга нон керак эмас, ноним бор, менга пул бер», деди. Жаҳлим чиқиб кетди. Унга нон ҳам, пул ҳам бермай ҳайдаб юбордим. Бунга фикрингизни билмоқчи эдим.

ЖАВОБ: Албатта тиланчилик маданий бир ҳолат эмас, ҳар бир миллат учун фахр ҳам эмас. Бу кўнгилни ғаш қиладиган нохуш бир ишдир. Яшаши ниҳоятда қийинлашиб,

танг аҳволда қолингандан ўзини ҳалоқатдан қутқариш учунгина тиланчилик қилишга шариатда рухсат берилган. Лекин умр бўйи тиланчиликни касб қилиб олиб, ўзи соғ-саломат ҳолатдагиларида қарамай ишламасдан, ҳалол меҳнат қилмасдан, балки меҳнатдан қочиб, бойлик тўплаш учун ёки умуман умрини тиланчилик кетидан ўтказиш учун тиланчиликни ўзига касб қилиб олиш шариатга тўғри келмайдиган нарсадир. Бунга алоҳида эътибор бериш керак.

Афсуски, ҳозирги кунда кўча-йўللarda, масжидлар ичидаю ташида, маҳаллалардаю ва бошқа жойларда ҳам тиланчиликни одат қилиб олган кимсалар кўпайиб бормоқда. Бунинг устига қопада тўла нони ва чўнтагида пули туриб, кечаю кундуз демай одамларни безовта қилиш, эшигини тақилатиш, бирор нарса беришни талаб этиш, хиралик билан туриб олиш ҳолатлари ҳам кўп учрапти.

Буларнинг ҳаммаси шаръан жоиз эмас. Ислол маданиятига тўғри келмайдиган бу ҳолатдан қутулишимизга ҳаракат қилишимиз керак. Албатта ҳаётда қийналиб қолган кишиларга моддий ёрдам бериш – улў савобли ишлардан. Лекин садақани уларнинг уйига олиб бориб бериш мумкин. Ўзининг инсонийлик қадриятини йўқотмаган ночор кишилар ҳолати бўлса ҳам уялиб, сўрамай туришади, бермаганингизга қўймай, ортингиздан қолмай хиралик қилишмайди. Садақани бундайларга эмас, ориятли, сўрашга ийманадиган ҳақиқий муҳтожларни топиб бериш савоб бўлади (Аллоҳ билувчидир).

ТАОМДАН СЎНГ ҚАНДАЙ ДУО ҚИЛСА БЎЛАДИ?

Барча ўзбек хонадонларида таомдан кейин дуолар ўқилиб, юзга фотиҳа тортилади. Ислолда айна шу дуонинг аҳамияти қандай? Овқатланишдан сўнг ўқиладиган махсус дуолар борми?

ЖАВОБ: Ҳар гал таом егандан сўнг Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр келтириш зарурлиги ҳадисларда таъкидлаб айтилган. «Қайси бир дастурхондан Аллоҳга ҳамд айтмай турилса, худди чўчқанинг гўшти ёки ҳаром ўлган ҳайвоннинг устидан турилгандай бўлади», деган маънодаги ҳадислар ҳам бор. Шунинг учун ҳар бир банда таом ейишни бошлаганида «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» дейиши ва таом ейишни тугатганида Аллоҳга ҳамд ва шукр айтиши лозим. Бу шукрларнинг ҳадисда келган маънолари бор. Ана шуларни айтса яхши бўлади. Ҳозир бизда одат бўлгани: «Бизга таом ва ичимлик берган ҳамда бизларни муслмонлардан қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», деган маънода дуо бор. Шунга ўхшаган ҳадисларда келган яна бир қанча дуолар борки, ана шу дуолар ўқилса, таом еганнинг шукрини Аллоҳга айтилса, суннатга мувофиқ ва еганларида хайру-барака бўлади. «Ҳадис ва Ҳаёт» китоблар силсиласининг «Таом ва шароб» китобида (19-жуз) таомларнинг ҳалоли қайсию, ҳароми қайчилигини келтириш билан бирга, таомни тановул қилиш, дастурхонда ўтириш, тановулни тугатишдаги исломий маданият тўғрисида бир қанча ҳадислар шарҳ қилинган (Аллоҳ билувчидир).

МУТЛОҚ ҲАҚИҚАТ!


Ҳар бир кунимиз деярли бир хил кечади. Эрта тонгда уйқудан уйғониб, ташқарига чиқамиз. Тоза, мусаффо, ёқимли ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оламиз. Шунда тафаккур эгалари хаёлга чўмадилар: қизик, бу ҳаво қаердан келиб қолган? Нега у тугаб қолмайди? Бордию етишмай қолса, инсоннинг, жамики махлуқотнинг ҳоли не кечади?

Олимларнинг ҳисобича, еримизни ўраб турган атмосфера қатламининг 78 фоизини азот, 21 фоизини кислород ва бир фоизини нафас олишимиз учун зарур бўлган бошқа элементлар ташкил этади. Аллоҳ таолонинг ҳақимлигини, унинг ўлчовини қарангки, ана шу мутаносиблик салгина бузилса, ерда ҳалокат бошланиб, тирик жон борки, қурбон бўлиб кетади. Чунки ҳавода кислород кўпайса, ер юзидаги ҳамма нарса осонгина ёниб кетади, аксинча бўлса, олов деган нарса мутлақо бўлмайди.

Маълумки, инсон ва бошқа кўпгина жонзотлар ҳаводаги кислородни ютиб, карбонат ангидрид гази чиқаради. Хўш, миллиардлаб инсонлар, бошқа махлуқотлар ҳар куни, ҳар сонияда нафас олиб-чиқараверса, кислороднинг ўрнини ким тўлдириб, карбонат ангидридни ким йўқотиб туради? Аллоҳ таоло бунинг ҳам ҳисобини чиқариб, йўлини топиб қўйган. Етти-саккиз ёшли бир дарахт бир кунда икки кишининг нафас олишига етадиган кислородни ишлаб чиқариб, шунча зарарли газни ўзига ютар экан. Олимлар ҳисобича, ер юзидаги ўсимликлар ўзидан йилига 400 миллиард тонна кислород чиқаради.

Энди нигоҳимизни осмонга, сўнаётган ойу чиқаётган қуёшга қаратамиз. Хўш, уларни ким яратиб, ким мана шундай аниқ ҳисоб-китоб билан, бирор кунни канда қилмай чиқадиган ва ботадиган қилиб қўйган? Нега улар ақли бўлмасада, ҳисобидан адашиб кетмайди, бирининг ўрнига бошқаси кўтарилмайди? Самовотдаги миллионлаб юлдузлар-чи? Уларни чексиз коинотда ким ана шундай ҳолатда ушлаб турибди?

Канада дорилфунуни профессори Франк Алейн эса шундай дейди: «Биз яшаб турган заминни ташқи самовий жисмлардан ҳимоя қилиб туриш



учун қалинлиги қарийб 800 километрли ҳимоячи газлар (атмосфера) яратилган. У ҳар куни сониясига 150 километр тезликда ерга тушиши мумкин бўлган 20 миллион дона самовий тошларни қайтариб, заминни улардан ҳимоя қилиб туради, бу тошларнинг ҳаммаси атмосферада тўқнашади. Бундан ташқари атмосфера замин сиртида ҳаёт учун зарур бўлган иссиқ ҳароратни бирдай сақлаб туради. Бордию бу жараён узлуксиз суратда давом этмаганда, ерда яшаб бўлмасди».

Ёки атрофимиздаги наботот оламизга бир ибрат назари билан қарайлик. Шайх Саъдий «Дарахтларнинг кўм-кўк япроқлари ҳар оқилга Худони танитадиган дафтардур», деган эди. Рўпарамиздаги яшнаб турган дарахтларнинг ўзи мўъжиза эмасми? Бир хил кўринишдаги, бир хил рангдаги бу дарахтлардан нега ранги, кўриниши, мазаси, шакли ҳар хил бўлган турфа меваларни узиб оламиз. Уни бизга ким шундай қилиб бериб қўйибди? Эҳтимол, боғбон, деб ўйлаётгандирсиз? Агар боғбон ниҳолни Аллоҳнинг тупроғига экмаса, У юборган сув билан суғормаса, Унинг қуёшида иситмаса, дарахт кўкарармиди, ўсардимми, ҳосил тугармиди? Кўчатни сахрога экиб қўйиб, кутиб ўтираверсангиз, у яшнарымиди? Қудрат ва Ҳикмат

соҳиби Аллоҳ таоло хоҳласа, тупроқдан турфа неъматлар ўсиб етишади, хоҳламаса, қуруқ калтак ёки хас-хашак қолади. Ана шу дарахтга шакл, ранг берган ҳам, мевасига таъм, маза ва шифобахш моддаларни жойлаган ҳам Аллоҳнинг Ўзи.

Ёки бир дона буғдой донини олиб кўринг. Ана шу бир дона жимитгина донни эксангиз, ундан етти бошоқли майса униб чиқади, ҳар бошоқда юздан дон бўлади. Аллоҳнинг қудратини қарангки, у бир дона донни етти юз баравар кўпайтириб, бандаларига ризқ-рўз қилиб берди. Борди-ю Аллоҳ таоло камроқ ҳосилли қилиб қўйса, инсон уни ўзича кўпайтира оладими? Асло!

Энди ҳайвонот оламини бир кўздан ўтказайлик. Лочиннинг бир-икки тухум қўйиши ва пашшанинг миллионлаб тухумлаши ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигини нега тафаккур қилиб кўрмаймиз? Ўлчовлар бузилиб, аксинча бўлиб қолганида ҳолимиз не кечарди?

Қурбақа, қуён, кабутар, тимсоҳ, жирафа, кит, туя каби кўриниши, яшаш тарзи, тури, катта-кичиклиги хилма-хил бўлган жонзотларнинг ички тузилиши шуни исботлаб турибдики, барча тирик мавжудот ягона тузилиш-режа асосида яратилган. Уларнинг ҳар бири кўриш, эшитиш, ҳид билиш қобилиятига эга, ҳаммасида скелет бор, уларнинг томирлари, шоҳ қон томири, юрак, суяклари, муқуллари ва ҳоказолари бир хил. Бир ҳайвоннинг суяги бошқасиникидан фарқ қилмайди. Масалан, суяк таркиби жиҳатидан кабутарнинг қаноти қурбақа чаканагининг айнан ўзгинаси. Жирафанинг узун бўйнидаги еттита умуртқа суягини типратиконнинг калтагина бўйнида ҳам кўрамиз.

Барча ҳайвонларнинг асаб мажмуаси бошмия, умуртқа мияси, асаб толаларидан иборат. Ҳамма ҳайвонотнинг бошқа аъзолар мажмуаси ҳам бир хил тузилган. Ана шу тузилишда Аллоҳнинг ягона илоҳий қонуниятларига бўйсунганини кўрмасликнинг иложи йўқ. Уйини таниш учун ҳайвонлар ақлини бошқариб турадиган, ҳатто асаларига «тоғдан ўзига макон тутишни» ўқтирадиган, дарахтдаги ҳар бир япроқ, ҳар бир куртакни ҳисобга оладиган Аллоҳнинг ҳикматини кўрмаслик асло мумкин эмас!

Ёки ҳайвонот оламининг озуқа топиш, душманлардан ҳимояланиш учун ўзини ниқоблаб олиши, туси ва қиёфасини ўзгартиришига нима дейсиз? Ҳар бир жонзот ўзи яшаб турган жой ёки ҳолатнинг рангига осонгина кира олади. Ҳамиша қиш кўрпасига бурканган Қутбдаги қушларнинг патлари қор рангида-оппоқ бўлади, баҳор келиб, битта-ярим жойда қорлар эрий бошласа, ер ран-

гини олади, майсалар пайдо бўлиши билан бу қушлар устида яшилранг пат ва момиклар пайдо бўлади. Ваҳоланки, улар ўзлари хоҳлаганда ҳам тусини ўзгартиролмас, ҳатто ана шу бўлаётган ўзгаришларни сезмасди ҳам.

Капалаклар бир қарашда жуда ожиз, ҳеч қандай ҳимоясиз мавжудотга ўхшайди. Аллоҳнинг мўъжизасини қарангки, улар қанотидаги шакл-суратлар бойўғли кўзининг ўзгинаси экан. Улар хавф туғилган заҳоти қанотларини ёзиб юборади, бунга кўрган капалакхўр қушлар бойўғлидай йиртқич қушга рўпара бўлмаслик учун узокроққа қочиб қолишади.

Денгиз тубида ўлжа кутиб ётган саккизоёқлару балиқлар ҳам, душманини чалғитишга уринаётган майда балиқ ва қисқичбақалар ҳам муҳит ва шароитга қараб, ўз қиёфаларини атрофдаги жонсиз нарсалар тусига киритиб ёки ниқобланиб олишади. Ана шуларнинг ўзиёқ Аллоҳ таоло ҳайвонот дунёсини ҳам ажиб бир мўъжиза билан, улўғ бир ҳикмат билан яратганига исбот-далил эмасми?

Ҳайвонот оламини чуқурроқ кузатсангиз, ана шу онгсиз, ақлсиз, тилсиз жамиятнинг ўзига хос қонунлари, тартиб-қоидалари, ҳулқ-атворлари борлигини кўрасиз. Ҳожат ушатаётган мушукнинг ҳолатини кузатганмисиз: у ишини бажариб бўлгач, ахлатини яшириш учун типирчилаб қолади. Унинг эрталаб ва ҳар бир овқатдан кейин юз-қўлини ювиши-чи?! Ёки бирор айб иш қилиб қўйса-ю жиноят жойида қўлга тушириб, урмоқчи бўлсангиз, айбини сезиб, кўзларини юмиб олиши-чи?! Бу тартиб-«одоб»ларни унга ким ўргатиб қўйган: мушуклар жамияти ёки Давринми?

Коинотнинг қатъий ва мустаҳкам тартибида, табиатнинг бузилмас қонунларида, олам яралишининг гўзаллигида, бизни ўраб турган теварагимиздаги ҳамма нарсаларда Аллоҳнинг қудрат қўли ва чексиз ҳикмати яққол кўриниб турибди. Ҳаёт лаззатларида ва жозибаларида, дарахтларнинг япроқларию товус патининг рангин товланишида, капалакларнинг чиройли қанотларию гулларнинг хушбўй ҳидида, булбуллар хонишию чақмоқнинг чақнашида, шамоллар шовқини-ю кишиларнинг фикр-амалларида коинот, дея аталмиш бу улўғ ва уйғун хилқатдаги юлдузлар ҳамда сайёраларнинг ўзаро боғлиқлигида Аллоҳ таолонинг буюк Холиқлиги, Мусаввирлиги, Ҳикмат эгаси экани яққол кўриниб турибди.

Атрофимизга фикр кўзи билан назар соладиган бўлсак, бутун олам бир моддадан ва ягона режа асосида яратилганига гувоҳ бўламиз. Аллоҳ наботот ва ҳайвонот оламини шундай ҳикмат,



дақиқ бир қонуният, аниқ ҳисоб-китоб билан яратиб қўйибдики, Холиқимизнинг ҳар бир кашфиётидан, ҳар бир ҳикматидан ҳайратга тушмай, қойил қолмай, тасаннолар айтмай иложимиз йўқ! Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат этади: «Ғайб очқиқлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг шохидан узилиб тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта Очиқ Китобда (яъни, Аллоҳнинг илми азалийсида) мавжуддир» (Анъом, 59-оят).

Қуръони каримдаги сиёсат ва ахлоқ ҳақидаги, ҳарбий стратегия ва тинчлик ҳақидаги, жамият, оила, ҳаёт ва уларнинг жамиятдаги инсон ҳуқуқларини белгиловчи мустаҳкам пойдеворлари ҳақидаги фикрларни олиб кўрсангиз ҳам, улар ниҳоятда ажойиб, таъсирчан ва ифодали тил билан тасвирланганини кўрасиз ва инсоният тарихидан бунга ўхшадини тополмайсиз.

Ибн Арабийдан Қуръоннинг инсон ақли бо-вар қилмайдиган сирлари ҳақидаги фикрини сўрашганда, у лўндагина қилиб: «Бу – мутлоқ ҳақиқат!» деган экан.

Қуръоннинг сўзлари ўзининг мутлоқ ҳақиқати билан ҳақдир, айна пайтда энг улўф тадқиқотчи олим ҳам фақат нисбий ҳақиқатга эришиши мумкин. Ҳар бир киши ҳам ҳақиқатни ўз нуқтаи назари орқали кўради ва унинг барча тасаввур-тушунчалари чекланган ҳамда кунба-кун, асрма-аср ўзгариб турадиган бўлади. Ҳар биримиз ҳаётнинг маълум бир томонинигина ўрганишга қодирмиз, бошқа йўналишларни қамраб олиш ва ёритишга кучимиз етмайди. Бизнинг танлаб олинган йўналишдаги эришганларимиз нисбий илм бўлади. Ҳар томонлама билимга ва ҳамма нарсани қамраб олишга фақат ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигина

қодир. Ёлғиз Угина мутлоқ ҳақиқат, мутлоқ илмга ва эришиш қудратига эгадир. Шунинг учун биз Қуръон – Аллоҳдандир, деймиз, шунинг учун У ҳар бир нарсада мутлоқ ҳақиқатга эришган, деймиз.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръоннинг мазмуни ҳақида сўрашганда, у зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Унда (Қуръонда) сиздан олдин бўлган нарсаларнинг ахбори ва сиздан кейинги нарсаларнинг хабари ва сизларнинг ўртангиздаги нарсаларнинг ҳукми бор. У ажратувчидир, ҳазл эмасдир. Ким бир жаббордан кўрқиб, уни тарк қилса, Аллоҳ уни синдиради, ким Ундан бошқадан ҳидоят изласа, Аллоҳ уни залолатга кетказди. У – Аллоҳнинг метин арқонидир. У – ҳикматли зикрдир. У – сиротул-мустақиймдир. У – унинг ила ҳавои нафслар тоймайдиган, у – унинг ила тиллар тутилмайдиган, у – уламолар ундан тўймайдиган, у – кўп тарқалиш билан эскирмайдиган ва ажойиблари тугамайдиган нарсадир».

Қуръони каримнинг фасоҳатию ўзига хос услубига, жозибасию тароватига ҳайратланмай, қойил қолмай иложинг йўқ. У энг бой, фасоҳатли, балоғатли бўлган араб тилида, бу тилнинг энг гўзал, тушунарли Қурайш лаҳжасида нозил бўлганининг ўзи ҳам бир мўъжиза. Қуръон арабчасининг жуда муҳим бир томони шундаки, унда учраган жуда кўп арабча калималар илгари ҳеч ишлатилмаган. Арабчада учраган, лекин маълум мақсад учун бир мартагина ишлатилган калималар ҳам Қуръонда илмийлаштирилган. Қуръони каримнинг оҳанги, замонавий таъбир билан айтганда, ритми мустақил илоҳий бир мўъжизадир. Қуръоннинг мазмунига ошно бўлмаганлар ҳам бу оҳанг гўзаллиги таъсирида маънога яқинлашиб қоладилар.

Беҳзод АБДУРРАШИД.

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ

2-ДАРС

- 1) Қолдиқ сувлар ҳукми
- 2) Қудуқ сувлари
- 3) Тушиши билан сувни нажосат қилмайдиган нарсалар
- 4) Нажосат
- 5) Авф қилинган нажосатлар
- 6) Нажосатни тозалашнинг йўл-йўриқлари.

Қолдиқ сувлар ҳукми

Ичилгандан сўнг қолган оз сув “қолдиқ сув” дейилади ва булар тўрт қисмга бўлинади:

1. Ўзи пок ва яна покловчи бўлган қолдиқ сув. Буларга оғзида нажосат бўлмаган ҳолда хоҳ катта киши, хоҳ кичик бола бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин ва хоҳ жунуб, хоҳ ҳайзли бўлсин, инсондан қолган сувлар киради. Аммо сув ичаётган вақтида оғзида нажосат асари бўлса, (масалан, ароқ, тўнғизнинг ёғи, қон ва ҳоказо) у инсондан қолган сув нажосат ҳисобланади. Агар бундай одам лабини ялаб, сўлагини бир неча бор ютган бўлса, ундан қолган сув нажосат бўлмайди, лекин макруҳ ҳисобланади.

Отдан ва ҳар бир гўшти ейиладиган ҳайвондан қолган қолдиқ сувлар ҳам юқоридагидек ўзи пок ва покловчидир. Аммо кавш қайтарадиган ҳайвонларнинг оғзида ўша қайтариб чайнаётган нарсасининг асари бўлса, ундан қолган қолдиқ сув нажосат бўлади. Чунки кавш ошқозондаги нарсани қайтаришдир, шунинг учун ҳам қайтарган нарсаси нажосатдир. Гўшти ейиладиган ҳайвон нажосат есаю, оғзида нажосат асари қолмаган бўлса, унинг қолдиқ суви макруҳ бўлади.

(Изоҳ: Гўшти ейиладиган ҳайвонлар зикр қилинганда отни алоҳида келтириш унинг ҳам гўштини ейиш жоизлигини таъкидлаш учундир. Шофеъийлар фикҳига кўра, от гўшти кароҳиятсиз мубоҳдир. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳнинг наздида эса макруҳдир. У кишини икки шогирди, имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммаднинг наздиларида эса мутлақ ҳалол бўлиб, фатво ҳам шунга кўрадир).

2. Нажосат бўлган қолдиқ сув. Уни ишлатиб бўлмайди, у билан бошқа нарсани тозалаш ҳам дуруст эмас, мажбур бўлгандан бошқа пайтда бу сув-

дан ичиб ҳам бўлмайди. Буларга итдан, чўчкадан ва (бўри, шер, маймунга ўхшаш) йиртқич ҳайвонлардан қолган сувлар киради. Чунки уларнинг сўлаклари сутлари ва терлари каби нажосатдир.

3. Ишлатиш макруҳ бўлган қолдиқ сувлар. Яъни, тоза сув бўлганида қолдиқ сувни ишлатиш макруҳ ҳисобланади. Аммо бошқа сув бўлмаса, уни ишлатиш макруҳ эмас. Буларга мушукдан қолган ва гўдак қўлини тикқан сувлар, шунингдек кўчада қўйиб юборилган ва ахлатхоналарда юрадиган товуклардан ҳамда йиртқич қушлардан қолган қолдиқ сувлар киради.

(Изоҳ: Ушбу қолдиқ сувларнинг макруҳлиги уларнинг ҳолатидан беҳабар кишилар учундир. Агар мушукнинг оғзида, гўдакнинг қўлида, товук ҳамда йиртқич қушларнинг тумшукларида нажосат асари борлиги аниқ бўлса, бу сувлар нажосатдир. Лекин уларда нажосат асари йўқлиги маълум бўлса, бу сувлар покдир.)

4. Ўзи пок, аммо покланишлигида шак қилинган қолдиқ сув. Буларга эшак ёки ҳачирдан қолган сувлар киради. Ҳар бир ҳайвондан чиқадиган тернинг ҳукми поклик ва нажосатликда ундан қолган қолдиқнинг ҳукми билан бир хилдир.

Қудуқ сувлари

Аксар қудуқ сувлари оз сув, деб эътиборга олинади. Чунки уларнинг сатҳи ўн газча ёки ўн газдан кам бўлади. Агар қудуқда қони оқувчи ҳайвон ўлса, шу қудуқнинг суви, девори, ичидаги челаги ва арқони нажосат бўлади. Қудуқдан топилган ҳайвон шишиб ёки титилиб кетган бўлса, яъни аъзолари ажраб, туклари тўкилиб кетса, бу қудуқнинг ҳамма суви

чиқариб ташланмаса, тоза бўлмайди. Агар ҳамма сувини чиқариб ташлашнинг имкони бўлмаса, икки юз челақ сувни чиқариш билан қудуқ покланади. Уч юз челақ сувни чиқариб ташлаш эса мустаҳабдир. Сув чиқариш ўлган ҳайвонни олиб ташлагандан кейин саналади. Бунда ҳар бир қудуқнинг ўз челаги эътиборга олинади. Агар қудуқда бир ҳайвон ўлган бўлсаю, у ҳали шишмаган, титилмаган ва ёки туқлари тўкилиб кетмаган бўлса ва унинг катталиги одамдек ёки қўйдек ё эчки боласидек бўлса ҳам, бу қудуқнинг ҳукми юқоридаги чириган ўлимтик топилган қудуқнинг ҳукми билан бир хил бўлади. Яъни, имкон қадар ҳамма сув чиқариб ташланади, имкон бўлмаса, икки юз челақ сув чиқариб ташланади. Уч юз челақ сувни чиқариб ташлаш эса мустаҳаб бўлади.

Агар қудуқдан топилган ўлимтик ҳайвоннинг катталиги мушукдек ёки каптардек ва шунга ўхшаш ҳайвонлардек бўлса, ундан қирқ челақ сувни чиқариб ташлаш вожиб, олтмиш челақ сув чиқариб ташлаш эса мустаҳаб бўлади. Агар ўлимтикнинг катталиги чумчуқ ёки сичқон ҳажмидек бўлса, қудуқдан йигирма челақ сув чиқариш вожиб, ўттиз челақ сув чиқариб ташлаш эса мустаҳабдир. Одам, товук ва сичқоннинг ўз туридаги катта-кичиги орасида фарқ йўқ. Булар хусусида далил шундай ворид бўлган.

(Изоҳ: Яъни, чақалоқнинг жасади билан кексанинг, жўжа билан товукнинг, сичқон билан унинг боласи жасади бир деб ҳисобга олинади.)

Аммо матнда зикр қилинмаган ҳайвонлар ўлимтиги қудуқдан топилса, ҳар бири ўз туридагиларнинг каттасига қўшиб ҳисоб қилинади.

Агар қудуққа ҳайвон тушиб кетсаю, тирик чиқариб олинса, унинг аслига қаралади. Асли нажосат бўлса, имкон қадар ҳамма сув чиқариб ташланади. Имкон бўлмаса, икки юз челақ чиқариш вожиб, уч юз челақ чиқариш эса мустаҳабдир. Асли нажосат бўлган ҳайвон чўққадир.

Агар тушиб кетган ҳайвоннинг асли чўққага ўхшаш нажосат бўлмасаю, баданида ғализа нажосат бўлса ҳам, ҳукми юқоридагидек бўлади. Аммо баданида нажосат бўлмаса, сувни чиқариб ташлаш вожиб эмас, лекин қалб хотиржамлиги учун йигирма челақ сув чиқариб ташланса, яхши бўлади. Бу гап қудуққа тушган ҳайвоннинг оғзи сувга тегмаганда эътиборга олинади. Аммо ҳайвоннинг оғзи сувга тегса, энди унинг сўлаги эътибори билан ундан қолган қолдиқ сув ҳисобга олинади. Қолдиқ сувлар ҳақидаги маълумотлар юқорида ўтди.

Тушиши билан сувни нажосат қилмайдиган нарсалар

Қудуққа тушиши билан уни нажосат қилмайдиган ҳайвонларга жасадида қон томири бўлмаган ҳайвонлар киради. Мисол учун пашша, ари ва ҳоказолар. Яна қўйнинг қумалоқлари, туя ёки си-

гирнинг тезакларига ўхшаш нарсаларнинг оз миқдордагиси қудуққа тушса уни нажосат қилмайди. Сақланиш имкони йўқ нарсаларнинг кам-кўплиги қараган кишининг эътибори билан билинади. Яъни, қараган киши кўп деса, қудуқ нажосат бўлади, кам деса, нажосат бўлмайди.

Нажосат

Нажосат икки қисмга бўлинади:

1. Ҳақиқий нажосат:

(Изоҳ: Бу "хубус" деб ҳам юритилади. "Хубус" деб поклик ва таҳоратнинг кетишига сабаб бўладиган нажосатларга айтилади).

Буларга инсоннинг олди ва орқасидан келади-ган нарсалар, қон, маст қилувчи ичимликлар, чўққа гўшти ва ҳоказолар киради.

2. Ҳукмий нажосат:

(Изоҳ: Бу "ҳадас" деб юритилади. "Ҳадас" деб катта ва кичик таҳоратнинг кетишига айтилади). Яъни, бу ғул ва таҳорат қилиш вожиб бўлган вақтдаги бетаҳоратликдир.

Ҳақиқий нажосат ҳам иккига бўлинади:

1. Ғализа (оғир) нажосат: буларга қон, инсоннинг олди ва орқасидан чиқадиган нажосатлар, маст қилувчи ичимликлар, ўлимтик ҳамда чўққанинг гўшти, териси ва ҳоказолар киради.

2. Хафифа (енгил) нажосат: буларга қўй, мол ва туя каби гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг пешоби, гўшти ейилмайдиган қушларнинг тезаклари киради.

Авф қилинган нажосатлар

Агар ғализа нажосат кўпи билан бир дирҳам миқдорида қуюқ бўлса, шу билан ўқиб қўйилган намоз дуруст бўлади (Уни қайтариб ўқиш шарт эмас.) Бир дирҳам тахминан уч граммга тўғри келади (Бир дирҳам миқдоридан кўп бўлса, нажосатни тозалаб ташлаб, намозини қайтадан ўқийди).

Агар нажосати ғализа пешобга ўхшаш суюқ бўлса, инсоннинг кафти кенглигича миқдордагиси билан намоз дуруст бўлади. Кафт кенглигидан кўпроқ бўлса, намозини қайта ўқийди. (Игнанинг учи каби) оз миқдорда сачраган пешоб кечирилмидир, чунки ундан сақланиш қийин. Қассобга зарурат сабабидан етган оз миқдордаги қон ҳам, кўчалардаги лойга аралашиб кетган нажосат ҳам сақланишнинг имкони йўқлиги учун кечирилгандир.

Нажосати хафифадан авф қилингани кийимнинг ёки баданнинг тўртдан бирига етганидир. Бу айтилган нарсалар кийим, бадан ва маконга ўхшаш нарсалар хусусидадир. Оқиш хусусияти бор нарсаларга нажосат тушса, у хоҳ оғир, хоҳ енгил бўлсин, барибир нажосат ҳисобланади. Шунингдек, тушган нажосатнинг вазни ҳам, сатҳи ҳам бу ўринда эътиборсиздир.

Чумчуқ ва кабутар каби гўшти ейиладиган қушларнинг тезаги покдир.

Нажосатни тозалаш йўл-йўриғи

1. Нажосат теккан кийим камида бир марта ювиш билан, кўринадиган нажосат бўлса, айтиб ўзини кетказиш билан тозаланилади. Бу оқар сувда ёки устидан сув қуйиш билан бўлиши керак. Аммо нажосатли кийим бирор идишга солиб ювилса, уни идишдан олиб, уч марта устидан сув қуйиб, ҳар сув қуйгандан сўнг яхшилаб сиқиш билан тозаланади. Агар кийимдаги нажосат пешобга ўхшаш кўринмайдиган бўлса, юваётган одам тоза бўлди, деб қаноат ҳосил қилгунича ювилади.

(Изоҳ: Ушбу қаноат одатда уч марта ювиб сиқиш билан ҳосил бўлади).

2. Ердаги нажосатнинг устидан уч мартагача тоза сув қуйилади ва ҳар сафар бир парча тоза латта билан артиб ташланади. Агар нажосатли ерга кўп сув қуйилиб, нажосатнинг асари қолмаса, у ер ҳам намоз ўқиш учун пок бўлади. Булар қаттиқ ерларда шундайдир. Аммо нажосатли ер юмшоқ, сув қуйганда шимиб кетадиган бўлса, ундаги нажосатнинг асари кетказиш билан тозаланилади.

Ер қуриши билан ҳам пок бўлади. Уни сув билан тозалаш шарт эмас. У ерда намоз ўқиш жоиз. Лекин таяммум учун пок бўлмайди. Чунки бу ер ўзи пок бўлса-да, бошқани поклай олмайди. Таҳоратда ўзи пок ва бошқани ҳам покловчи сув шарт қилинганга ўхшаш, таяммумда ҳам ўзи пок ва поклашлик қобиляти бор тўпроқ шарт қилинган.

3. Бадандаги нажосат қонга ўхшаш кўринадиган бўлса, у айтиб ўзини кетказиш билан, пешобга ўхшаш кўринмайдиган бўлса, ювувчи гумонининг ғолиби билан тозаланади. Одатда уч марта ювиш билан тоза бўлди, деган гумон ғолиб бўлади.

4. Нажосат бўлган нарса куйдирилиб, кулга айланса ҳам тоза бўлади.

5. Зайтун, зиғир, пахта каби суюқ ўсимлик мойларига нажосат тушган бўлса, уч марта сув қуйиб, шу сувни чиқариб юбориш билан покланади. Ёки ёғни ости тешик идишга солиб, тешик беркитилади ва устидан сув қуйилади. Шунда ёғ сувнинг юзасига чиқади ва сув чиқиб кетиши учун тешик очиб қўйилади. Шу амал уч марта бажарилади. Ёғ суюқ бўлганда шундай қилинади. Агар ёғ қаттиқ бўлса, нажосат теккан ўринни олиб ташлаб, қолгани эса истеъмол қилинаверади.

(Изоҳ: Нажосат теккан нарсани ювиб-сиқишнинг иложи бўлмаса, қатрон қилинади. Мисол учун бир сопол пиёла ёки косага нажосат теккан бўлса, уни уч марта ювилиб, ҳар гал унда бир томчи сув ҳам қолмагунича бир жойга қўйилади. Лекин ювиб, сувини бирор нарса билан артиб олиш тўғри эмас. Чинни идишлар эса уч марта ювиш билан пок бўлади. Шу ўринда дарз кетган идишларни ишлатиш макруҳлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Агар уларга

нажосат тегса, бу нажосат дарзнинг орасига кириб қолиб, ювиш ёки қатрон орқали ҳам тоза бўлмайди. Пичоқ, қилич ва шунга ўхшаш нарсаларга нажосат тегса, уларни ишқалаш билан покланади. Гилам, палосга ўхшаган нарсаларнинг устидан бир кеча ва кундуз сув оқизиб қўйилса, пок бўлади).

6. Нажосат бўлган ҳовуз ва кўп миқдорда сув сақланадиган идишлар бир томонидан тоза сувни оқизиб, иккинчи томонидан чиқариб юбориш билан покланади. Қудуқ, кўл ва ҳаммомнинг ҳам суви бир томонидан тоза сув киргизиб, иккинчи томонидан чиқариб юборилса, тозаланади. Худди шу сингари нажосат бўлган ёғнинг бир томонидан ўз жинсидаги тоза ёғни оқизиб, иккинчи томонидан чиқариб юборилса, тоза бўлади.

(Изоҳ: Албатта бунда ҳовуз, идиш, қудуқ, кўл ва ҳаммом сувларининг миқдорида тоза сув киргизилиши керак. Бу миқдор аниқ билиниши ёки икки тажрибали чамаловчининг сўзи билан аниқланиши лозим. Ёғни тозалашнинг бу услуби ҳам ушбу тартибда бўлади).

7. Оёқ кийимига теккан қуюқ нажосат қуруқ бўлса, уни ишқалаб аслини кетказиш билан покланади. Аммо пешобга ўхшаш суюқ нажосат теккан бўлса, гарчи қуриб қолган бўлса ҳам, фақат ювиш билан покланади.

8. Кийимда одамнинг қуриган манийси бўлса, ишқалаб аслини кетказиш билан покланади. Агар асли кетсаю, унинг изи қолса, зарари йўқ. Аммо ҳўл бўлса, уни фақат ювиш билан тозалаш вожиб. Қуриган нажосат ювиш ёки ишқалаш билан аслини кетказиб тозаланилади. Уни кесак, қоғоз билан тозалаб бўлмайди. Чунки кесак ва шу кабилар қуриган нажосатни ўрнидан кўчириб ололмайди.

9. Ўлимтик ҳайвонларнинг териси ошлаш билан пок бўлади. Чўчқа билан инсон териси эса ошлангани билан ҳам пок бўлмайди. Чунки инсоннинг асли мукаррамдир, чўчқанинг асли, яъни айтиб ўзи нажасдир.

10. Ўзи нажосат бўлсаю, бошқа салоҳиятли нарсага, мисол учун маст қилувчи ичимликлар сиркага, кийикнинг қони мушкка айланса пок бўлади. Нажосатни поклашда ният шарт қилинмайди.

**Арабчадан Абдор
МУХТОР АЛИЙ таржимаси.**



ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЯТДА ШИРК ТАРҒИБОТИ

**«Ёки улар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралганларми?!
Ёки улар яратувчиларми?» (Тур сураси, 35-оят).**

Мақола сарлавҳасини ўқиб, хаёлингизга нима фикрлар келди? Балки кимдир ўзига хос хусусиятларга эга бўлган замонавий маданиятнинг ширкка нима алоқаси бор, деб ўйлар? Бошқалар эса, ширк ҳақида умуман гапиришнинг кераги йўқ ва бундан катта муаммо чиқариш ҳам шарт эмас, деб ҳисоблаётгандир? Учинчи тоифа эса: “Бу мақола нима ҳақда бўлдийкин-а?” деб шунчаки қизиқиш билдириши ҳам мумкин. Албатта, нима ҳақда ўйлаётганларини билиб бўлмайдиганлар ҳам топилади. Бундайлар бошқалар каби бир қолипда фикр юритишмайди, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга уларнинг ҳамиша ёки деярли ҳамма вақт ўз нуқтаи назарлари бўлади ёки

улар ўзини шу тоифадан деб ўйлайдиганлардир.

Бироқ, ҳозир нима ҳақда ўйласангиз ҳам, мақола нима билан тугашини ўзингизча тасаввур қилаётган бўлсангиз ҳам, мен сизларни ўз дунёқарашлари нима билан тўлдирилаётганига бепарво бўлиб, кўп вақтларини у ёки бу кўнгилхушликларга совураётганлар ҳақида биргаликда баҳс юритишга чорлайман.

Ҳар бир кишининг содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назари бор, барчаларимиз у ёки бу йўсинда дунёқарашимизни шакллантирамиз. Гап фақат фаолиятнинг бу турида қанчалик эркинлигимизда қолди.

Келинг, ҳаммасини энг кичиклигимиздан, яъни туғилишимиз биланоқ оламни англай бошлаганимиз, у ёки бу буюмнинг хусусиятларини таниганимиз ва уларни ишлата билишни ўрганганимиздан бошлайлик. Бизнинг дунёқарашимиз шу тариқа камолга етади, шахсиятимизнинг ахлоқий-маънавий жиҳатлари шаклланиб боради.

Бу жараён кўп жиҳатдан ота-онанинг қандай тарбия берганига, нималарни ўргатганига боғлиқдир. Айнан ота-она воситасида болада диний эътиқод шаклланиди ва унинг турмуш тамойиллари шу эътиқод орқали юзага келади. Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар туғилган фарзанд Исом фитратида дунёга келади, (кейин) ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади», дедилар (Имом Бухорий, Абу Довуд, Термизий ривояти). Кўп ҳолатларда болалар Худо ҳақида, ўзларини қандай тутишлари кераклиги ва атрофларидаги барча нарсалар ҳақидаги маълумотларни айнан ота-оналаридан ўрганишади.

Бироқ, тарбия фақат ота-онанинг вазифаси билан чекланиб қолмайди, балки руҳшунослик фанида "ижтимоийлаштириш омиллари" номи билан машҳур бўлган анча аҳамиятли омиллар ҳам мавжуд. Буларга болалар боғчаси, мактаб, яқин атрофдагилар, дўстлар гуруҳи ва албатта кенг маънодаги оммавий ахборот воситалари (ОАВлар) ҳам киради.

Тарбия жараёни услуксиз кечишини, у болалик билангина чекланиб қолмай, балки деярли бир умр давом этишини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Юқорида номи зикр қилинган ижтимоийлаштириш омилларидан энг муҳими бўлмиш у ёки бу жамиятнинг маданияти ҳақида ҳали тўхталганимча йўқ. Мазкур ҳолатдаги маданият деганда табиатдан фарқли ўлароқ инсоният тарафидан пайдо қилинган нарсалар ҳақида сўз бормоқда.

Шартли равишда атрофимиздаги оламни иккига бўлишимиз мумкин (такрор айтаман, шартли равишда): инсон қўли билан ясалган нарсалар ва бизлардан мустақил мавжуд ҳолатдаги нарсалар. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам Аллоҳ таоло томонидан яратилгани аниқ, айнан шунинг учун ҳам бу тақсимлашимиз ўта шартлидир.

Бироқ, Аллоҳнинг ягона илоҳ эканига иймон келтирган ҳар бир мўмин киши шайтон инсониятнинг энг катта душмани эканини ва унинг энг муҳим вазифаси инсонни тўғри йўлдан уриш эканини ҳам жуда яхши билади. Инсоннинг Худонинг мавжудлигини инкор қилиши ва шу билан бирга шайтоннинг ҳам аслида йўқ эканига ишона бошлаши шайтоннинг энг катта "муваффақияти" бўлади. Модомики, ўзи йўқ нарсанинг масъулияти бўлмас экан, ҳисоб-китобдан чўчимай, кўнгилга ёққан нарсани қилавериш мумкин.

Бунга атеизмни (даҳрийликни) дунёқараш сифатида қабул қилишни мисол сифатида келтириш мумкин. Бу даҳшатли адашувнинг аҳамиятини сунъий бўрттириш учун уни илмий атеизм ҳам деб аташади. Бироқ даҳрийлик дунёқараш сифатида узоқ умр кўра

олмади, чунки аксар инсонлар қалбининг энг тўғрида Аллоҳга боғлиқлигини ҳис этиб туради. Бу боғлиқлик эса, даҳрийликка асосланган дунёқарашнинг мустаҳкам ўрнашиб олишида тўсиқ бўлади.

Демак, инсониятнинг душмани бизни тўғри йўлдан уриш учун янги услубларни излаши керак. Кўриниб турибдики, ўз ёлғонини тарқатиш учун олдинга ҳақиқатни айтиш, кейин эса одамни ушбу ҳақиқатдан узоқлаштириб юбориш керак. Ўзининг барча кўринишлари билан кўпхудолилик (яъни ягона Аллоҳга шериклар топиш) шундай алдов йўлларида ҳисобланади. Кўпхудолилик мафкура сифатида Худони инкор қилмагани, бироқ Худо ҳақида ўта ёлғон тушунчалар бергани учун ҳам ниҳоятда хавфлидир.

Ўринли савол туғилади: рақамли технологиялар асрида яшаб турган, таълим, фан ва масалага рационал ёндашишни ташвиқ қиладиган замонавий маърифатли одамни инсониятнинг аллақачон ортда қолиб кетган давридаги тавҳидга қандай қилиб яқинлаштириш мумкин? Жавоб кўндай равшан: рақамли технологиялар ва ўша маданият орқалигина. Иблис денгиз, тоғ, ўрмон ва бошқа табиий нарсаларни барпо этиш билан ўзининг сохта мафкурасини ёймайди, балки бунини одамлар орқали, улар иштирокида тузилган маданият орқали тарқатади.

Агар одамлардан "маданият деганда нимани тушунасан?" деб сўралса, уларнинг аксарияти тахминан театр, санъат, адабиёт ва албатта кино деб жавоб беришади. Агар яна ўша одамлардан мажусийликдаги илоҳлар номини сананг-чи дейилса, у нима деб жавоб бераркин?

Мана, ҳозир сиз ҳам муҳтарам ўқувчим, "мажусийликдаги қайси "илоҳлар" номини биласиз?" деган саволга жавоб бериб кўринг. Ўйлаб бўлдингизми? Хўш, нима экан? Балки, Зевс, Аид, Посейдонларнинг исмлари ёдингизга келгандир: эҳтимол кимдир Кроносни ҳам айтгандир, афтидан Локи ва Тора каби кўплаб бошқа номларни биладиганлар ҳам топилар?

Шу ўринда биз мажусийлик "дин"лари масаласида мутахассис бўлмасак-да, мазкур номларни қаердан биламиз, улар ҳақидаги маълумотларни қаердан олганмиз, деб ўзимизга савол бериб кўрайлик. Мана шунга ўхшаш саволларга жавоб излаш керак, чунки буларнинг ҳаммаси оммавий маданият орқали бизга сингдирилмоқда, бунда эса айниқса кино қўл келяпти.

Киносаноат маҳсулотларида ширкнинг ошкора иш-тироқини аниқлаш учун уларга бир қур назар ташлашнинг ўзи кифоя. Аҳолининг каттагина қатлами замонавий филмларсиз яшолмайди, ҳамиша янги филмларни излайди, қисқаси, кўнгилхушликни иштайди.

Кино саноати ўзидан нима кутилаётган бўлса, шуни беришга ҳаракат қиляпти. Бунда фақат унинг иқтисодий манфаатларигина эмас, балки гапириш унча рағбатлантирилмайдиган бошқа нималардир ҳам эътиборда тутилади. Кузатувларимга кўра, кўпдан буён мақсадли равишда кино орқали инсонлар ақлига кучли таъсир ўтказиш амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда мендан аввал ҳам кўп гапиришган. Бу

борада мен Америка кашф қилаётганим ҳам йўқ ва биринчиликка даъвоим ҳам йўқ. Мен нафақат Ислон дини, балки мажусийликнинг илоҳларини тан олмайдиган насронийликка ҳам қарши қаратилган курашга эътибор қаратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. У ёки бу йўсинда мажусийларнинг илоҳлари ҳақида гапирилаётган барча филмларга баҳо бермоқчи эмасман, фақат ўзига алоҳида эътибор тортганлари билан кифояланаман.

Яқинда “Титанлар жанги” филмининг узвий давоми ҳисобланган “Титанлар ғазоби” филми барча кинотеатрларда қўйила бошланди. Бу филмлар қадимги Юнонистон афсона ва эртақларининг замонавий талқинидан бошқа нарса эмас.

Бунга ўхшаш филмлар нега суратга олинади, деган савол туғилади. Албатта, кўпчиликнинг жавобига кўра, мен ортиқча мавзуга тирғилаётган эмишман, булар фақат эртақлар эканини ҳамма билармиш, душман йўқ жойдан ғаним қидираётган эмишман.

Балки, ҳақиқатан шундайдир, эҳтимол кимгадир шундай деб ўйлашимиз ва аллақачон ёпиб қўйилиши керак бўлган онг эшикларини очик ҳолда ушлаб туриш керак бўлиб қолгандир? Буларнинг ҳаммасини бутунисича кўра билишга ҳаракат қилиш керак, шундагина умумий тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Илм-фан ва маърифат ривожлангани сайин жуда кўп сохта назариялар эътибордан қолиб, шарманда-си чиқмоқда. Аммо уларнинг ҳомийлари асл ҳақиқат қаршисида мағлуб бўлишни, бутун оламни, инсон ва бошқа барча мавжудотни Аллоҳ таоло яратганини тан олишни истамай, қандайдир янги назарияларни ўйлаб топишга уринишмоқда. Шундай сохта назариялардан бири инсонни Аллоҳ эмас, балки узоқ сайёралардан учиб келган, юқори илм-фан ва технологиялари ривожланган мавжудотлар тарафидан яратилгани ҳақидаги бемаъни ғоя киносанъат ва бошқа турдаги тарғибот-ташвиқот воситаларида тобора кўпайиб бормоқда.

Яқинда кинотеатрларда “Тор” деб номланган бир филм қўйилди. Бу филм ҳам Скандинавия мифологиясидан яхши маълум бўлган мажусийликнинг олиҳалари ҳақида бўлиб, унда олиҳа Тор ва унинг укаси Локи бошқа афсонавий махлуқлар билан жанг қилади. Филмда жуда кўп махсус эффектлар қўлланилган, бу эса, табиийки ўзига қўшимча эътибор тортади.

Мазкур филмда мажусийлик илоҳлари замонавий одамлар билан ўзаро муносабатга киришишга ҳаракат қилиб, уларнинг кундалик ҳаётига кириб боради. Мана шунинг ўзиёқ мажусийлик ғоясини сингдиришнинг яширин шакли эмасми? Менинг бу фаразларим сизларни қанчалик ишонттира олди, билмадим, барибир яна бир-икки мулоҳазаларни айтишим зарур. Гап ақидага тегишли жиддий масала ҳақида бораётгани учун ҳам маънавий танбалликка йўл қўймай, мақолани охиригача ўқиё чикишга ҳаракат қилинг.

Келинг, машҳур “Темир одам” филминининг иккови қисмини бирга бир эслаб кўрайлик. Бу илмий-фантастик филм ўта замонавий қурол устида ишлаётган буюк бир олим ҳақида. Албатта, филмнинг турган-битгани

хаёлий, яъни фантастика, бироқ шуниси ўта муҳимки, филмдаги воқеалар реал ҳаётда содир бўлиши мумкин, муаммо фақат илм-фан тараққиёти даражасига боғлиқдир. Аммо мазкур филм эртақ сифатида қабул қилинмайди, у темир одам каби қаҳрамонларнинг ҳаётда мавжуд бўлиш эҳтимолига онгни тайёрлайди.

Мажусийлик илоҳлари билан ўта замонавий қурол ишлаб чиқарувчи афсонавий олим ўртасида қандай боғлиқлик бор, деган савол туғилиши мумкин. Жавобни эса, яқинда тино экранларига чиққан янги “Қасоскорлар” деб номланган филмдан топамиз. Айнан ўша филмда икки томон бирлашади: мажусийлик илоҳлари чиқиш эҳтимоли мавжуд олимлар билан ёнма-ён туриб, бошқа мажусий қаҳрамонларга қарши курашади.

Мана, асосий моҳият нимада! Гап шундаки, замонавий одамнинг онгида ҳозиргача анча мустақил яшаб келган қаҳрамонларнинг икки алоҳида чизиғи (мажусийлик илоҳлари ва замонавий олим) ягона бир яхлитликка бирлашади, янги тасаввур ҳосил қилади ва темир одам технологиясини ишлаб чиқишнинг имконияти бор эканми, демак мажусийлик илоҳларининг ҳам мавжудлигига мутлақо ишонса бўлар экан-да, деган фикрга сездирмай олиб боради! Агар ноҳақ бўлсам, мени тўғрилаб қўйинглар.

Шунингдек, «Прометей» каби филмларга ҳам эътибор қаратиш мумкин. Бу филм ўраб-чирмаб ўтирмай, инсоннинг яратилиши ҳақидаги ўз ғоясини илгари суриб қўя қолади. Ҳатто унда шундай манзара ҳам бор: бир қаҳрамон бошқа қаҳрамон аёлга инсоннинг яралиши ҳақидаги насроний динининг бўлмағур эътиқодларидан воз кечишни таклиф этади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар биримиз турли хил шаклда кўпхудолилик тарғиб қилинган бошқа филмларни ҳам қийинчиликсиз эсга олишимиз мумкин.

Бунга ўхшаш нарсалар нафақат кичкинтойлар, балки катталар ҳам завқ билан ўйнайдиган замонавий компьютер ўйинларида ҳам етарлича топилади. Умуман бу ўйинларда сен мажусийлик илоҳларига сиғинадиган ёки уларга қарши курашадиган бош қаҳрамонни бошқара оласан.

Фикримча, буларнинг ҳаммаси улкан бир тўрнинг занжирлар ҳалқасидан биттасидир. Агар инсон улардан бирортасига илинмаса, бошқасида албатта қўлга тушади. Буни шу вақтгача бизга номаълум ва ёт бўлган Хэллоуин байрамини ҳозир кўпгина ёшларнинг нишонлай бошлаганидан ҳам илғаб олсак бўлади.

Ҳушёрликни бирор дақиқа ҳам йўқотишга ҳаққимиз йўқ. Бунинг айниқса ана шундай мультфилмлар ва ўйинлар билан улғаяётган фарзандларимизга алоқаси борлиги учун ҳам назоратни янада кучайтиришимиз зарур.

Интернет маълумотлари асосида Абу Муслим тайёрлади.

ҚОДИРИЙНИНГ “НИМКОСА”ЛАРИ “ЎТКАН КУНЛАР”ГА ЯНГИЧА НАЗАР

Улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи кейинги давр ўзбек адабиётидаги оламшумул воқеа бўлди ва бир мунаққид таъбири билан айтганда, Қодирийгача бундай романни ҳеч ким ёзмаган эди ва шундан кейин ҳам ҳозиргача бундай асар ёзилганича йўқ. Ёзувчи ўта камтарлик билан “Ўткан кунлар”ни “янги замон рўмончилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси бир ҳавасдир” деб атаган бўлса-да, мазкур роман ҳозиргача бадиияти, ҳаётийлиги, қаҳрамонларининг бетакрорлиги билан миллионлаб ўқувчиларни ҳайратга солиб, ўйга толдириб, ром этиб келяпти.

Романнинг бош ғояси, мавзуи ва асосий қаҳрамонлари ҳақида кўб ва хўб фикр билдирилган. Филология фанлари докторлари Умарали Норматов ва Баҳодир Каримовлар “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”даги мақолаларида шундай ёзишди: “Ўтган кунлар” романининг маъно-мундарижа доираси ниҳоятда кенг. Унда хилма-хил инсоний тақдирлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, оилавий-ишқий муаммолар қаламга олинган. Бироқ улар орасида юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласи алоҳида ажралиб турди. Бинобарин, эл-юртнинг мустақиллиги, бирлиги масаласи романнинг пафосини ташкил этади. Асарнинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек ҳожилар шу юрт истиқлоли, фаровонлиги, осойишталиги йўлига ҳаётини, жонини тиккан фидойи кишилардир. “Ўтган кунлар” бамисоли улкан ва тиниқ кўзгу, унда ўзбек миллатининг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, урф-одатлари, руҳий-маънавий дунёси, бўй-басти, қиёфаси кенг кўламда аниқ-равшан гавдалантирилган. Унда Отабек билан Қумушнинг ишқий саргузаштлари, фожиаси жуда катта маҳорат билан тасвир этилган... Муаллиф ошиқларнинг ишқий саргузаштлари баҳонасида муайян тарихий даврни – Туркистоннинг рус босқини арафасидаги аҳволи, қора кунларини кўз олдимизда гавдалантиради. Қодирий ишқий саргузаштлар кўринишида ўлканинг тутқунликка тушишининг бош сабаби жаҳолат, қолоқлик ва ўзаро ички низолардир, деган фикрни ғоят усталик билан айтади. Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари



20-йиллардаги янги ўзбек адабиёти олдида турган мураккаб ғоявий-бадиий муаммоларнинг жуда кўпини ечиб бериб, адабий тараққиётнинг тезланишига хизмат этди” (“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Тошкент, “ЎзМЭ” илмий нашриёти, 2000 йил, 23-бет).

Яна бир машҳур олимимиз Наим Каримов асарнинг асосий ғояси ҳақида шундай фикр айтади: “Шу нарса ажойибки, Отабек олдида турган тўсиқ унинг бахтига чанг солмоқчи бўлган қузғун фақат Ҳомиддангина иборат эмас. Бу тўсиқ қанчалик маккорона тус олмасин, Отабек уни мардона енгиб чиқади. Лекин унинг “ота-она орзуси”

деб аталган бошқа бир тўсиқни ҳатлаб ўтиши амри маҳол. У шу ерда қоқилиб, машаққат билан эришган бахтидан бир умрга жудо бўлади. Адибнинг бу асарни ёзишдан мақсади худди шу ерда ўз жамолини кўрсатади. Абдулла Қодирий худди шу ерда ўзбек халқининг сўнги бир неча аср давомида бошқа халқларга нисбатан орқада қолиши ва мустамлака исканжасига тушишининг сабабларини очиб ташлайди. Бу унинг, ўзбек халқининг, биринчи навбатда маҳаллийчилик, ўзаро ҳасад ва низо иқлимида нафас олиши, чирик урф-одатлар ичида ўралашиб қолиши, ҳатто янги тарихий даврлар келгани

ни, мамлакат чегарасида мустамлакачилар шайланиб турганини билмай-сезмай ғафлатда яшашдир!” (Наим Каримов. “XX аср адабиёти манзаралари”, Тошкент, Ўзбекистон” нашриёти, 2008 йил, 171-бет).

“Мен бу романдан ўз замони фожиаларига қарши онгли курашган оқил оталар (Юсуфбек ҳожи) ва доно фарзандлар (Отабек) сиймоларини кўраман. Юсуфбек ҳожидаги элнинг бугунги ва эртанги қисматини мукаммал идрок этиш, кечаётган тарихий жараёни теран таҳлил этиш ва ягона тўғри йўлни кўрсата билиш қудрати бу образга алоҳида салобат ва тафаккур қудратини бахш этган” деб ёзади филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмонов ўзининг Абдулла Қодирий романларининг 1992 йилги нашрига ёзган “сўнгсўзи”да.

Юқоридаги атоқли олимларнинг фикрларига ҳеч қандай эътироз ёки раддия билдирмаган ҳолда роман мавзуи ва ғоясига оид ўзимизда туғилган айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчи бўлдик. Назаримизда, Абдулла

Қодирий ўз асарида юқоридаги фикрлардан ташқари яна бир муҳим жиҳатни ўқувчига етказишни, нуктадон китобхон фикрини шунга қаратишни ният қилганга ўхшайди. Бу фикрни далиллаш учун эса романдан бир неча мисолларни қайтадан эслатишнинг ўзи кифоя (Ушбу тадқиқотга “Ўткан кунлар”нинг 1926 йилги ва “Меҳробдан чаён”нинг 1929 йилги илк нашрлари асосида 1992 йили Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган нашр асос қилиб олинди ва бундан кейин “ўша манба” деб берилади. Иқтибослардаги қавс ичига олинган изоҳларни мақола муаллифи киритган).

Асарнинг бош қаҳрамони Отабек Юсуфбек ҳожидай юрт оғасининг, имонли, эътиқодли, тақволи, умрини муслмонлар манфаатига бахшида қилган фидойи бир инсоннинг хонадонида улғайган. У мадрасада диний билим ҳам олган. Ислом динининг савоб ва гуноҳ, ҳалол ва ҳаром борасидаги кўрсатмаларидан яхши хабардор. Романга мурожаат қиламиз: “Акрам ҳожининг “Ўзи ўқиғонми?” деган саволига мақтовлар билан терисига сиғмай кетган Ҳасанали жавоб берди: Тошқанд Беглар беги мадрасасининг пешқадам муллабаччаларидан эди. Хўжамиз мадрасадан олиб, савдо ишига қўйдилар” (ўша манба, 18-бет). Отабек мадраса кўрган, оқ-қорани таниган йигит эса-да, асар давомида солиҳ бир инсондан гуноҳни енгил санайдиган фожир кимсага айлана боради. Унинг солиҳ фарзандга хос бўлмаган катта хатоларидан бири шуки, Кумушни севиб қолгач, бундан ота-онани воқиф қилиш, розликлари ва дуоларини олиш ўрнига хизматкор Ҳасаналини совчиликка юбориш билан кифояланади. “Хотинларингиз ўртасида адолат қилинг” деган илоҳий амрга қарши ўлароқ иккинчи хотини Зайнабга ўта бепарволик, кўрслик билан муомала қилади, кўп ишларда адолатсизлик ва зулм кўрсатади. Ҳатто буни ота-онага нисбатан норозилик, исён сифатида қилаётганини ҳам яширмайди: “Келинларингиз мендан яхшилик кўрмас, демаганми эдим? Сиз билан отам бунга кўнмаганми эдингиз, сиз буни инкор қиласизми?” (ўша манба, 165-бет). Бошига кулфат тушиши билан тадбир-чора топиш ўрнига ичкиликка рўжу қўяди. Бўлиб ўтган ишларда ота-онага ноҳақ маломат қила бошлайди. Нима сабабдан эканидан қатъи назар, охири қотилликка қўл уришгача ҳам боради.

Китобни ўқиганингиз сайин шу тариқа Отабек ва Кумуш, Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойим, Ҳомид ва Уста Алим каби романнинг асосий қаҳрамонлари томонидан шариат аҳкомларининг қўпол поймол қилинишига, ҳатто Аллоҳ фарз қилган амалларнинг тарк этилганига, ҳаром саналган улкан гуноҳларга бемалол қўл урилганига гувоҳ бўласиз. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун романдан мисоллар келтиришга ўтамыз.

Асар муслмонлар ҳаётидан бўлгани боис, биринчи навбатда уларнинг энг улуғ ибодат – намозга бўлган муносабатини олиб кўрайлик. Намознинг Исломнинг шиори, мўминни бошқалардан ажратиб турувчи амал эканини, Аллоҳ таоло муслмонларга имондан кейин намозни фарз қилганини, қиёматда ҳам бандалар энг аввало намоздан савол қилинишини, намозсиз бошқа иш-амаллар қабул қилинмаслигини, намозни эса қазо қилмай вақтида ўқиш фарзлигини (мажбурийлигини) муслмонларга ту-

шунтириб ўтиришнинг зарурати йўқ. Аммо романнинг бир неча жойида асар бош қаҳрамонлари оддий турмуш ташвишлари билан ўралашиб ёки арзимас сабаблар туфайли намозларини осонгина қолдириб юборишаверади. Бу ҳам Ислом шариатини оёқости қилиш, Аллоҳнинг амрларини инкор этишдир. Бунга бир неча мисол келтирамыз:

“Кумушбиби бир неча кундан бери совуқ ҳаво тегдириб, бош оғриғи ва кўз тинишликка ўхшаш оғриқлардан шикоят қилиб юрар, шунинг учун онаси “тинч ухласин, ортиқ уринмасин” деб бу кун намозга ҳам уйғотмаган эди” (ўша манба, 25-бет). Ислом шариатида бемор кишининг намозни қолдиришига ижозат йўқ, у касаллик туфайли жойнамозда туришга имкони бўлмаса намозни ўтириб ўқийди, бунга ҳам илож тополмаса ётган ҳолида ишора билан адо этади. Намозни фақат ақлдан озган мажнунлар, ҳушдан кетганлар, ҳайз ва нифосдаги аёлларгина маълум муддатгача қолдиришади. Кумушнинг онаси эса оддий шамоллашга чалинган қизини намозга уйғотмади.

“Отабек Марғилон келганининг иккинчи куни пой-афзал бозорида бўлган эди. Аср намозининг вақти ўтиб борганлиқдан ул шундаги дўкондорларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради... Отабек дўкондорнинг кўрсатишича қутидорнинг ташқарисига кирди. Шу пайт тасодифан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди... Кўп кутди, аср намозини қазо қилиб куч билан қутидор уйдан чиқди” (ўша манба, 52-бет). Аср фикҳий китобларда “ўрта намоз” дейилади ҳамда бу намозга ўта эҳтиёт бўлиш ва уни вақтидан ўтказиб юбормаслик, яъни қазо қилмаслик ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир неча ҳадислар ривоят қилинган.

“Уёқ-бўёқдан шом азони эшитила бошлаган эди. Маълум отлик қутидорнинг дарбозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангудан узди. Шу вақтда шом намозидан қолмас(лик) учун шошилишиб қутидор ҳам йўлакдан чиқиб келди. Отини кўчанинг ўртасида қолдириб, қайинотаси билан кўришмак учун югирган куяви олдида намозини ҳам унуткан қутидор даф-даф титраб тўхтаган эди. Кўришмак учун ўзига узатилган қўлни бўш ҳавода қолдириб, дарбозаси ёнига борди. Бундай муомала олдида Отабекнинг қандай ҳолда қолиши изоҳқа унча муҳтож бўлмаса керак. Ул турган жойида қозикдек қоқилиб қолган эди. Қутидорнинг олдиға юришнида билмас, сўзлашқа ҳам тили келмас эди” (ўша манба, 148-бет). Воқеа шу билан тугайдики, куёвидан қаттиқ хафа бўлган қутидор масжидга бормай, дарвозадан ичкари кириб уни занжирлаб олади, Отабек эса отини шаҳарнинг шимолига қараб ҳайдайди. Икковлари ҳам шом намозини қазо қилишади.

Висол ишқи Отабекни шунчалик паришон этган эдики, у ўқиб турган намозини бузишгача ҳам боради: “Отабек Ҳасанали тарафидан тасхир этилгандек, туриб таҳорат олди ва меҳмонхонага кириб “тарових” бошлади... Орадан ярим соат чамаси вақт ўткан эди, Ҳасанали ичкаридан чиқиб келди. Отабек эса хануз рукуъда, сужудда эди. “Ўқуб бўлмадингизми?” деб сўради даричадан. Отабек ёниға салом бермасдан унга қаради. Бу ҳолга Ҳасаналининг гулгуси қистаб келса ҳам, ўзини зўрға

тўхтатти” (ўша манба, 258-259-бетлар). Ваҳоланки, намоздаги одам бошқаларнинг саволига жавоб бермаслиги, уёқ-буйёққа қарамаслиги, намозни бузувчи бошқа амалларни қилмаслиги керак. Қуръони каримда бундай дейилган: «Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шахватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди улар албатта ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқурлар» (Марям, 59).

Адиб ўз асарида қаҳрамонларининг Аллоҳ амрларидан чекиниб, шариат аҳкомларини қўпол бузишларини, Аллоҳ ҳаром қилган оғир гуноҳларга (гуноҳи кабираларга) қўл уришларини бир неча ўринда кўрсатиб ўтади: “Уста Алим қўлидаги пиёласини қўл этиб бўшатди-да, устакори билан аччиғланиш сабабини сўзлаб берди: “Мен Ҳомиднинг қайним Сайфига ёмон кўз билан қараб юрганини сал-пал сезиб юрган эдим... Уришатурган кунимизнинг эрталабида Сайфини илгарироқ ишка жўнатдим-да, ўзим нимагадир уриниб кечроқ қолиб бордим. Дарбозадан киришим ила ишхона ичидан кимнингдир йиғлаб-ёлборган товушини эшитиб ажабсиндим ва ишхона эшигини очиб кирсам, имонсиз Ҳомид қайнимга зўрлик қилиб турган экан. Эшик очилиши билан чўчиб, Сайфини бўшатди-да менга қаради” (ўша манба, 180-бет). Бузук одам бўлган Ҳомид бир неча хотини бўлатуриб яна бесоқолбозлик билан шуғулланган, бу мисолда Сайфини зўрламоқчи бўлиб турган эди.

Ҳомиддан порага олган олтинларига учган кўрбошининг тўхматини текшириб ҳам ўтирмай Марғилон ҳокими Ўтаббой қушбегининг икки бегуноҳ – Отабек ва унинг қайнотаси Мирзакарим қутидорни ўлим жазосига ҳукм қилиши, кейин қутилмаганда Кумушнинг мактуб келтириши билангина уларни осилиб кетишдан сўнгги дақиқаларда қутқариши ҳам шариат аҳкомларининг поймол қилиниши эди. Ўша давр ҳукмдорлари орасида порахўрлик, ёлғон гувоҳлик бериш, бегуноҳ одамларни жазолаш, аксинча ҳақиқий айбдорларни ҳимояга олиш, бузуклик, аҳдга вафо қилмаслик каби гуноҳ ва жиноятлар одатий ҳол эди.

Асар қаҳрамонлари турмушда учрайдиган ҳасад, рашк ва кўролмаслик, ҳавойи нафсига эргашиш каби иллатлар орқасидан оғир жиноятларни қилишгача боришади. Булар ҳам уларнинг исломий ахлоқ меъёрларидан чекинганларига ишора эди. Ҳомидбойнинг бошқаларга ҳасад қилиб ва нафсининг сўзига кириб олдин икки хотин устига Кумушни ҳам қўлга киритиш мақсадида қутидор ва Отабекни тўхмат билан дор остига йўллаши, сохта хатлар уюштириб, Отабек ва Кумушнинг ширин турмушини бузиши, кейин Кумушга унаштирилган Комилбой исмли йигитни ҳам ҳаммомда ўлдиртириб юбориши, ниҳоят Отабекни ҳам қатл қилиш учун имкон ва вақт пойлаб туриши одамларнинг ахлоқи нақадар чиркинлашиб, издан чиққанини кўрсатади.

Кумушни рашк қилган Отабек ҳам қотилликка қўл уради, Ҳомид ва унинг гумашталарини чавақлаб ўлдиради. Бу ёқда Зайнаб рашк туфайли шайтон сўзига кириб Кумушга заҳар беради, бир бегуноҳнинг жонига қасд қилиб, унинг ўлимига сабаб бўлади.

Ёки романда Аллоҳ ҳаром қилган ичкилик масаласи

қандай ёритилганига эътибор қаратайлик. Ўша пайтда диндор оилаларда ичкилик ичиш қаттиқ гуноҳ саналган, улар бундан ўзларини тортишган. Мадраса кўрган йигит Отабек ҳам хамр ва шаробга мутлақо яқинлашмаган. Аммо бошига мусибат тушиб, “сохта талоқ” билан Кумушдан айрилгач, майхўрлик билан овунишни бошлаб юборади: “Уй эгаси илжайган ҳолда хужрага кириб, ўзининг таъбирича май эмас, бир кўзача мавиз (узумдан ясалган май, шароб) олиб чиқди, тоқчадан пиёла олгач, келиб Отабекнинг ёнига ўлтурди. Мавизни пиёлага чулдира-тиб қуяр экан, меҳмонга ер остида мўралаб қулимсираб қўйди. “Сизнинг ҳам ичканингиз борми?” “Йўқ”. Тўғриси ҳам Отабек ичкилукдан қаттиғ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзиға душман каби кўриб келар эди. Уй эгаси қўйган пиёласини симириб юборгач, сездирмаслик қилиб сесканиб қўйди ва: “Аниқ ичмаганмисиз?” деб яна сўраган эди, Отабек бош чайқаш билан кифояланди” (ўша манба, 152-бет). Шундан кейин кўп ўтмай диққати ошиб турган Отабек уй эгасининг бир-икки қистови билан “пиёлани олишга мажбур бўлди... пиёлага узоқ қараб турмай ичиб ҳам юборди... Отабекнинг иккинчи пиёласидан сўнг ошға ўлтурдилар” (ўша манба, 153-бет).

“Тошканднинг Чуқур қишлоқ деган ерида қозоқлар томонидан очилган ва ҳамиша рустамнамо кишилар билан айқириб ётқан бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди. Беш ойлаб Оқ масжид сафарида юриб кетгач, Отабек тўғри шу Чуқур қишлоқ бўзахоналаридан бирига келиб тушкандек бўлди. Уни кундуз кунлари бўзахонада учратиб бўлмаса-да, аммо бўзахонага келмаган кечаси жуда оз эди. Бўзагар Отабекнинг ким боласи эканлигини яхши билгани учун ҳамма ишни унинг тилагига қараб қилар, ул келди дегунча оддий бўзахўрлар ёнига ўтқузмай ўзининг махсус хужрасига олиб кирар, бошқаларга берилатурган лойқа бўзадан бермай, бўзанинг гули билан меҳмон қилар эди... Бу ўлтурушдан сўнг ул бир ойлаб бўзахонага келмай кетди. Марғилондан қайтиб келгач, яна эски ода-тида давом эта бошлади” (ўша манба, 172-173-бетлар).

“Отабек ёлғиз меҳмонхонада ётиб кун кечириш билангина қолмади. Кечалари аллақайларга кетиб, йўқолатурган одатлар ҳам чиқарди ва бир-икки қайта ортиқча маст бўлган ҳолда қайтиб, Ҳасаналини тамоман ҳайратда қолдирди. Ул Отабекка насиҳат қилишни ҳам билмас ва бу сирни биравага айтиш учун ҳам ҳайрон эди... Қоронғуда занжирни тимискилар экан, “ким?” деб сўради ва жавобига “мммман” деган сархуш товушни эшитди... Занжирни тушуриб, дарбозанинг бир табақасини очиши ҳамона шу табақага суялиб турган Отабек Ҳасаналининг оёғи остига йиқилиб тушди. Ҳасанали бу кунги кайфнинг ўтача кетканлигини пайқаган, йўлакни тутиб кеткан ичкилик исидан ўқчиёзган эди” (ўша манба, 165-бет).

Ислом шариати сеҳр-жоду билан шуғулланишдан қайтарган ва сеҳргар ҳеч шубҳасиз кофирдир, деб таълим берган: “Одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар” (Бақара, 102). Исломда сеҳргарлик ширк-ка тенглаштирилади, Аллоҳ таолога ширк келтириш эса улкан гуноҳлардан, буни қилганлар ва ишонганларнинг жазоси дўзахдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: “Афсун ўқиб дам солиш, тумор тақиш, иссиқ-совуқ қилиш

ширкдир”, деганлар (Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривояти). Аммо Юсуфбек ҳожидай ҳамма эргашадиган тақводор кишининг хотини Ўзбек ойим ўғлини марғилонлик келини сеҳрлаб қўйган деб астойдил ишонади ва уни хотинидан “совутиш” учун тинимсиз сеҳр, жоду қиладиганларнинг олдига қатнайди. Мисолларга мурожаат қилайлик:

“Айниқса унга ҳозир бутун маъноси билан сир онглашилиб, марғилонликнинг жодусини жуда ҳам кучлик эканига имон келтирди (!). Ўғлининг орзу-ҳавасини кўрди – кўриш бўлса, орзулағандан ортиқ. Бироқ бу орзу-ҳавас орқасидан кутилган марғилонлик балосидан ўғлини қутқариш масаласи унинг тилагича бўлиб чиқмади-да, яна марғилонликнинг сиҳри ўткирлик қилди... Никоҳ куни Отабекнинг кийимларини жухуд домладан ўқитишлар, марғилонликдан совутиб, тошкандликка иситишлар – барчаси ҳам ҳозир ўз ажзларини унга иқдор қилар эдилар. Кейинги “беш-бош” домланинг берган тутатқи, эзиб ички, дуо ва туморлари ҳам негадир таъсир асарини сездирмадилар.

Ўзбек ойим марғилонликнинг домласини кучлик эканида шубҳа қилмаса ҳам аммо бир ишка жуда ҳайрон эди: “жухуднинг қилган жодусини – жухуд, мусулмон домланикини – мусулмон дафъ қила олур эди; нега булар асар қилмайди сира?” – ҳозир Ўзбек ойим бунинг сиррини ўйлаб тополмас эди. Бу боши берк кўчада ҳам узоқ қамалиб қолмади – бунинг сиррини дафъатан топди, жуда тўғри топди: “Марғилонликнинг домласи жухуд ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас – ҳинди! Ҳиндиларнинг ҳам ҳанноси (Худодан кўркмайдигани), бас, ҳанноснинг сиҳрини на мусулмон домласи қайтарсину, на жухуд. Ўшал ҳиндининг ўзи қайтармаса, ўзга илож йўқ!” (ўша манба, 127-128-бетлар).

Шундан сўнг Ўзбек ойим хизматкори Ҳасаналини чақириб, унга шундай тайинлайди: “Энди иш Тошканд домлалари билан битатурганга ўхшамайдир... Ўйлаб қарасам, марғилонликнинг домласи ҳинди экан. Шунинг учун ноилож сани олдимга чақиртирдим. Сан ҳам одам сумол гапимга тушуниб, шу тўғрида ақлинг етканча зехнингни югиртиргин... Ўзингга маълумки, кундан-кунга марғилонликни унутиш ерига ҳар соат унга эси борадир. Бу ҳолларнинг барчаси ўша ҳиндининг жодусидан бўлиб, муаккиллар (фаришталар) Отабекнинг бўйнидан сиртмоқ солиб Марғилонга тартадилар...” (ўша манба, 130-бет).

Фол очиш ва очтириш ҳам ширкка тенглаштирилган. Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ким башоратчи ёки фолчига борса ва гапларига ишонса, Муҳаммадга туширилган нарсани (Қуръонни) инкор этибди”, деганлар (Имом Аҳмад ривояти). Аммо Юсуфбек ҳожидай диндор, тақволи одамнинг хонадонидида бу иш одатий ҳолга айланган. Сеҳр-жодулар билан иши битмагач, Ўзбек ойим энди фолбинларга чопи бошлайди, Энг таажжублиси яна шундаки, халқни бидъат-хурофотлардан, фожирликлардан қайтаришга масъул бўлган Юсуфбек ҳожи негадир хотинини бу гуноҳ ишдан ман этмайди. Эҳтимол, бунга “жилов” хотинининг қўлидагилиги сабабдир: “Ўзбек ойим элли беш ёшлар чамалиқ, чала-думбул табиъатлик бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирлиги билан машҳур

эди” (105-бет). Шу думбул хотин икки баобрў эркани ўз ноғорасига ўйнатади, шахсий ҳаётига араллашиб, уни барбод этади. Шу думбул хотин Юсуфбек ҳожидай юрт оғасини ҳам писанд этмай, фолбин, жодучиларга чопида. “Бу гал Отабекнинг кутилмаган равишда Марғилондан тез қайтиб келишини Ўзбек ойим ўзининг жухуд домладан қилдирган жодусининг ҳинд сиҳрининг енгганлиги, деб суюнган эди. Бироқ Отабекнинг кўписинча меҳмонхонада ётиб қолиши уни бу тўғрида шубҳага тушириб қўйган ва бунда қандай ҳикмат борлигини бевосита билиб олиш учун бирорта ромчи (фолбин) домлага бориш фикрига тушкан эди. Юсуфбек ҳожининг бўлса, бундай майда (!) ишларни текшириб юриш учун фурсати ҳам йўқ, унинг Нормуҳаммад кўшбеги ёнидан бўшаган вақти понсад ва бекларникида кенгаш ва зиёфатлар билан тугалар эди” (ўша манба, 164-бет).

Халқнинг диндан узоқлашиб, Аллоҳнинг амрларидан чекинганини, Унинг қайтариқларидан сесканмай қўйганини адиб шундай тасвирлайди: “Халқимиз таъбирича, бу замонлар “мусулмонобод” бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариятча эди. Ўғирлик қилган учун қўл кесиладир ва ё дорға осиладир. Зони билан зониялар (эркак ва аёл зинокорлар) ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкулик ичкан учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширадир, фарзи айн билмаганларни урдирадир эди. Иш шунчалик нозик бўлатуриб ҳам ўғрилар ўз тирикчиликлари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қопка бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадилар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айнинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкулик сотиш билан тирикчилик қилгучилар ҳам йўқ эмас эдилар” (ўша манба, 170-171-бетлар).

Миллатнинг ақли расо кишилари исломий ахлоқдан чекиниш, шариятни оёқости қилиш оғир оқибатларга, бошга турли бало ва мусибатлар тушишига сабаб бўлиши мумкинлигини дилдан ҳис этишган, бундан қаттиқ изтиробга ҳам тушишган. Буни ҳатто Юсуфбек ҳожи ва Отабек ҳам яхши тушунишган. Фикримиз далили сифатида Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка айтган мана бу сўзларига эътибор беринг: “Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширгучи – биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун (дафн қилинган) Туркистонимизни тўнғузхона қилишга ҳозирланган биз итлар Яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз!... Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини ятим, хоналарини вайрон қилгучи золимлар қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!...” (ўша манба, 237-238-бетлар).

Қолаверса, шу гаплардан бироз ўтиб, бир маърақада

Юсуфбек ҳожининг Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) бир ҳадиси шарифни келтириб, айтганларини яна бир бор ойдинлаштириши масалага анча аниқлик киритади: “Яъни ул сарвари коинот марҳамат қилурларким, агар бир қавмнинг иши ноаҳл одамға топширилган бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига мунтазир бўл”. Бас, бизнинг корларимиз ҳам кўб фурсатлардан бери ноаҳл одамларнинг қўлига қолиб ва ҳар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвоъи кулфатларни соладирлар. Илоҳи кори бадлари ўз бошлари билан дафъ бўлғай” (ўша манба, 256-бет).

Ҳақиқатан, ўша пайтлари хонлик тизимидаги деярли барча амал ва вазифалар бу ишга муносиб бўлмаган, жавоб беролмайдиган (ноаҳл) кишиларга топшириб қўйилгани, Юсуфбек ҳожи каби Аллоҳдан қўрқадиган, яхши-ёмонни, ҳалол-ҳаромни ажратадиган кишиларнинг четга сурилгани, “эсимни таниганимдан бери амал демай, мансаб демай фақат шу мусулмонлар манфаатини кўзлаб келганман” деб зорланган Юсуфбек ҳожиларнинг “ўзини қушбеги, мингбоши олган уч-тўртта манфаатпарастлардан гўё ёш бола каби алдандим” (256-бет), дея надомат чекишлари ҳам миллатнинг инқироzi, юрт таназзули сабабларидан биридир. Аллоҳ таоло айтади: «Одамларнинг қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам офат-балолар юз беради. Бу ундан қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) торттириб қўйиш учундир» (Рум, 41); «(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, билинги, ўз қўлларингиз билан қилган нарса – гуноҳ сабаблидир» (Шўро, 30);

Тарихдан яхши маълумки, мусулмонлар Исломдан узоқлашиб, Қуръон ва суннатни унутишганда, исломий ахлоқдан чекинишганда ҳамиша мағлубиятга юз тутишган, хўрланишган, азоб-аламларга мубтало бўлишган. Агар халқ орасида фисқ кучайса, ахлоқ бузилса, бу халқ мутеликка, ўзгага қарам бўлишга, истибдод ва зулмга дучорликка маҳкумдир. Қудратли улавийлар ва аббосийлар халифаликларининг инқирозга юз тутиб парчаланиб кетгани, Оврўпада гуллаб-яшнаган Андалусия салтанатининг салибчилар томонидан тор-мор этилиб, батамом йўқ қилингани, дунёнинг ярмида ҳукм юргизган Усмонлилар салтанатининг таназзулга юз тутгани ва ўнлаб майда, кучсиз давлатларга бўлиниб кетганининг сабаблари ҳам худди мана шунда!

Бу ҳақиқатни юртимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Узоқ тарихимизда қачон шариат топталган, ахлоқ бузилган, ҳалол ва ҳаромнинг фарқи қолмаган, ҳукмдорлар ва халқ ўртасида аҳиллик йўқолган бўлса, бу юрт устига, халқ бошига беҳисоб кулфатлар, азоб-хўрликлар ёғилган. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрни, (қолаверса дунёнинг ярмини) харобага айлантириб, миллионлаб кишиларни тўғдан ўтказгани ёки қул қилгани ҳам ана шунинг оқибатидир. Македонияли Искандарнинг гуллаб-яшнаган ўлкаларни топтаб, халқни зулмга гирифтор қилгани ҳам шундан. Янги тарихимизда русларнинг бу ўлкани салкам бир ярим аср истибдод ва мустамлака исканжасида тутиб тургани ҳам шу туфайлидир. Аллоҳ таоло бундай дейди: «Биз қачон бирон шаҳарни ҳалок қилишни истасак, унинг боёнларини (ўзимиз юборган пайғамбарларга ито-

ат этишга) буюриб, улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар устига Сўз (азоб тушиши) вожиб – муқаррар бўлур. Бас, Биз уни вайронага айлантирурмиз» (Ал-Исро, 16).

Абдулла Қодирийнинг жасорати ва маҳорати шунда эдики, у босқинчи совет тузумининг даҳрийлик сиёсати авж олиб турган ўттизинчи йилларда уларнинг кўзини “шамғалат” қилиб, мазкур романида имонга, эътиқодга қилинган суиқасднинг нималарга олиб келишига ишора қилган. Ислом дини кўрсатмаларидан чекиниш, фисқ ва фожирликка томошабин бўлиб туриш, яхшиликка чақириш (амри маъруф) ва ёмонликдан қайтариш (наҳйи мункар) тўхтаб қолганида халқ бошига Парвардигорнинг офат-балосию ва мусибатлари муқаррар келишини эслатиб, халқни огоҳлантирмоқчи ва кўзини очмоқчи бўлган. Адиб мақолаларидан бирида шундай деган эди: “Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони ифода қилиш учун сўз қуриш, сўзгина эмас, санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин. Мана шу шартни бажариб, бу жиҳатдан таъмин этилгач, бошқа масалаларга ўтишга ҳақ олган бўласан...”

Назаримизда, булардан шундай хулоса қилиш мумкин: эътиқодига содиқ адиб мустамлакачилар тўрвасида кириб келган худосизлик мафкураси халқ бошида зулм калтагини ўйнатиб турган йилларда, ўзи ҳам ҳар қадамда тазйиқ ва таъқибга учраб турган бир пайтда фикрларини очиқ ёзиб ўтирмай, буни қаҳрамонларининг тутган йўли ва ҳатти-ҳаракатлари орқали кўрсатмоқчи бўлган. Кўпчиликнинг Исломдан чекингани, шариатга хилоф йўл тутаетгани, мусулмонлар ахлоқига зид ва ёт иш-амалларни қилаётгани ана шу кулфатларнинг асосий сабабчиси деб изоҳламоқчи бўлган. Шу туфайли энг аввало бир ўзбек хонадонининг, қолаверса юрт ва миллатнинг инқирозга учраши, мустамлакачиларга ем бўлиши бежизга эмаслигини қаламга олишга жазм қилган. “Бирники мингга, мингники туманга”, деганларидай айрим фосиқ ва фожирларнинг касри бутун миллатга уриши мумкин, демоқчи бўлган... Ахир, Солиҳ алайҳиссаломнинг туясини бир киши сўйгани ҳолда бутун қавм бошига Аллоҳнинг жазоси келган эди-ку!

Йўл-йўлакай бир-икки мулоҳаза: матбуот хабарларига кўра, сўнгги тўрт йил ичида Россияда йигирма битта тунги клубда (ишратхонада деб ўқийверинг) ёнғин чиқиб, қанчалаб ёшларнинг ҳалокатига сабаб бўлибди. Нега айнан тунги клубларда кўпроқ ёнғин чиқиши ҳақида бирозгина бош қотирган киши фалокатларнинг асл сабабини тушунган бўларди. Яна бир гап: Ғарб кемасозлигининг фахри бўлган, техник жиҳатдан беками-кўст ясалган ва энг тажрибали денгизчилар бошқарган “Титаник” кема-си нега муз тоғига (айсберг) тўқнашиб кетишдан қутулиб кета олмади? Бунга ҳам кемада қилинган зино ва бошқа бузуқликлар сабаб бўлмадимикан? Нима бўлганда ҳам ушбулардан қандай хулоса чиқариш нуктадон ўқувчининг ўзига ҳавола!

Аҳмад МУҲАММАД.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ...

Сарлавҳани кўриб, бу мақола ҳам динимизнинг иф-фат ҳақидаги таълимотларидан бир шингили экан, деб ўйларсиз. Йўқ, бу сарлавҳани русийзабон интернетда та-содифан учратиб қолдим. Ўқиб кўрсам, долзарб гаплар экан. Муаллифи ким экан деб қизиқиб, интернет титки-ладим. Углов деган одам экан. У ҳақдаги каттагина маъ-лумот Википедиядан чиқди. Муаллиф машҳур, мўътабар инсон экан. Фёдор Григорьевич Углов (1904-2008 – неча йил умр кўрганига эътибор беринг) атоқли жаррох, Рос-сия Тиббиёт фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Россия ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, соғлом ҳаёт тар-зининг фаол тарғиботчиси бўлган экан. Википедиянинг ёзишча, академик Углов ўз китобларида узоқ умр кўриш ва саломатлик сирлари ҳақида кўп фойдали маслаҳатлар берган ҳам экан. Унинг ҳаёт сабоқларига эътибор беринг:

- Ватанни севинг. Уни ҳимоя қилинг. Беватанлар узоқ яшамайди.
- Меҳнатни севинг. Жисмоний меҳнатни ҳам.
- Ўзингизни қўлга ола билинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам руҳан тушқунликка тушманг.
- Ҳеч қачон ичманг ва чекманг, акс ҳолда қолган тавси-яларим фойдасиз.
- Оилангизни севинг. Уни ҳимоя қила билинг.
- Қанчалик қийин бўлса ҳам, вазнингизни мўътадил сақланг. Меъёрдан ортиқ еманг!
- Йўлларда эҳтиёт бўлинг. Бугунги кунда ҳаёт учун энг хавфли жойлардан бири йўлдир.
- Шифокорга вақтида боришдан кўрқманг.
- Фарзандларингизни соғлиқни емирувчи мусиқадан халос қилинг.
- Меҳнат ва дам олиш тартиби танангиз фаолиятининг асосига сингдирилган. Танангизни севинг ва уни авайланг.
- Абдийликнинг имкони йўқ, бироқ умрингизнинг узоқлиги кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ.
- Яхшилиқ қилинг. Ёмонлик, афсуски, шундоғам юзага келади.

Академик Угловнинг ўз касбида қанчалар юксак чўққига кўтарилгани ҳақида унинг америкалик ҳамкасби, кардиохирург Майкл Эллис Дебейка шундай деган экан: «Профессор Углов — сизнинг миллий бойлигингиздир. Сизлар коинотни забт этишда қанча илгарилардан бўлсангиз, у жаррохликни шунчалик юксак кўтарган».

Муаллиф ҳақида дастлабки тасаввур ҳосил қилиб ол-гач, энди унинг мақоласи билан танишиб чиқсак бўлади. Марҳамат:

ИФФАТ НИМА?

Организм етуклик сари қадам қўяр экан, йигит ва қизлар фитрий (инстинктив) равишда ўзига жуфт

қидиришга, ўз хиссиётлари учун объект топишга инти-ладилар. Бироқ, кўпинча жисмоний майл руҳий майлдан устунлик қилади ва йигит ёки қиз ўзлари танлаган ин-соннинг ўз хиссиётларига қанчалик муносиблиги ҳақида ўйлаб кўришмайди. Йигит ёки қизнинг ақл-фаросати қуруқ жисмоний майлни жиловлашга ожизлик қилса, бу давр кўплаб хатоларга олиб келиши мумкин.

Усмирнинг заковати қанчалик паст бўлса, жисмо-ний майл шунчалик суст назорат остида бўлади, унинг ахлоқи ҳам маънавий жиҳатдан шунчалик беқарор бўлади. Йигит ёки қизнинг инсоний ғурури, ҳамияти, но-муси, виждони етарлича шаклланмаган бўлса, у ўзига ҳеч қандай мажбурият ёки масъулият юкламайдиган муносабатлар ўрнатишга интилаверади. Бундай ёшлар ўзидаги шахвоний ғайратни бирорта ақлий ёки жисмоний меҳнатга йўналтириш ўрнига никоҳсиз севгига эришишга ҳаракат қилади. Бундай йигитнинг маънавий устунлари қанчалик паст бўлса, у ўзи топган қизни ёмон йўлга бош-лайверади. Кўпинча бунда алдовни ёки севги ва вафо ҳақидаги ёлғон қасамларни ишга солади.

Тўғри, баъзан қизга севги изҳор қилаётган йигитча айёрлик қилмаётган ҳам бўлади. Лекин орадан бироз вақт ўтгач, бундай йигитчалар қиздан совиб қолиши ҳам мумкин. Қизни ташлаб кетар экан, йигитлар тахминан шундай фикр юритади: у мен билан шу қадар осонлик билан қовушдим, демак, бошқалар билан ҳам шундай яқин бўлиб, менга хиёнат қилади. Қизларда эса илк севги жуда чуқур из қолдиради, улар йигитлардаги совуқликни фожиа деб қабул қиладилар.

Халқимизнинг анъаналари йигит ва қиздан никоҳгача иффатни сақлашни, никоҳни эса келин ва кўёв бир-бирини узоқ вақт давомида, яхшироқ билиб олгандан кейингина ўқишни талаб қилади. Бизда асрлар давомида тўйгача салкам бир йил давом этадиган унаштириш удуми амал қилиб келган эди. Шу бир йиллик муддат давомида ёшлар келин-кўёв деб ҳисобланар ва бир-бирларини си-нашиб, яқиндан танишиб юришар эди.

Никоҳсиз ишқий муносабатлар эса ҳар доим қоралаб келинган.

Ёшларимиз никоҳ ва оила масалаларига масъулият-сиз қараш маънавий устунларни емиришдан ташқари бир қатор шахсий фожиаларга ҳам олиб келишини билишлар-и керак. Бундай фожиа нафақат йигит ва қизнинг, бал-ки ўша никоҳсиз алоқа туфайли туғилиши мумкин бўлган боланинг ҳам қалбини дарз кетказади. Айниқса, бола ҳали ўзлари ҳам ўсмирлик ёшидан ўтмаган, фарзанд тар-биялаш учун ҳеч қандай имконияти бўлмаган ота-онадан туғилса, бундан ёмони йўқ. Бу нарса боланинг келгуси ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши, онанинг саломатли-

гига эса оғир талафот етказиши мумкин.

Қизларимиз бир гулдан иккинчисига пириллаб учиб ўтаётган йигитларнинг қалби қорайган бўлишини, чуқур ва нозик ҳиссиётларни англашга қодир эмаслигини билишлари керак. Бундай нозик ҳиссиётлар эса фақат икки томонлама ҳақиқий севгидагина, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва мутлақо поклик, тўғрилиқкагина асосланган соф муҳаббатдагина бўлади. Фақат худбин кимсаларгина, буюк инсоний бахтга муносиб бўлмаган, бунга қодир ҳам бўлмаган, аксинча, бировларга фақат бахтсизлик келтирадиган кимсаларгина ҳаётни ёлғонлар асосида курадилар.

«Инсон ўз тақдирига ўзи жавобгар», дейишади. Қизлар пуч одамларнинг қурбонига айланиб қолишлари мумкинлигини ҳамиша ёдда тутишлари керак. Бир киши билан тақдирингни боғлашдан аввал унинг феъл-атворини, характери, дунёқарашини, қизиқишларини ва айниқса ақл-заковати, фаҳм-фаросатини ўрганиш керак. Зеро ақл ва қабоҳат бир жойда бўлмайди. Агар номзод калтафаҳм одам бўлса, ундан мутлақо умид йўқ.

Юксак, гўзал ҳиссиётлар фақат мусавффо, беғараз севгидагина вужудга келади. Бундай севги эса фақат олижаноб, юксак ахлоқли, инсоний қадр-қиммати бор, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилувчи инсонларгагина хосдир.

Бахтсиз оилаларнинг аксариятида эркакнинг жисмоний майли юксак туйғулар ва ички назорат, виждон, орият тушунчаларидан устун келган бўлади. Инсонда беғараз севги ҳисси қанчалик ривожланмаган бўлса, унинг ички дунёси, ички маданияти қанчалик саёз бўлса, бундай тушунчалар унда шунчалик заиф бўлади.

Жинсий майлнинг руҳий кучи ана шу руҳиятнинг қай даражада тараққиёт этганига боғлиқ бўлади. У қанчалик яхши ривожланган бўлса, майлнинг ҳиссий жиҳати ҳам шунчалик кучли бўлади. Руҳияти яхши ва соғлом шаклланган инсонларнинг ҳиссиёти бошқа барча ҳис-туйғу ва майллардан устун бўлади. Айтиш керакки, бу борада аёлларнинг руҳий-эмоционал туйғулари эркакларникидан кўра анча кучли ривожланган бўлади, шунинг учун эркак кишининг пасткашлик қилиши, номардлик қилиши аёлни ғоятда қаттиқ таҳқирлаб, унинг қалбини оғир яралайди. Эркакларнинг қабихлик қилиши билан боғлиқ турли жанжаллар аёлнинг руҳиятида оғир асорат қолдириб, ҳатто унинг саломатлигига, айниқса асаб тизимига путур етказди. Шунинг учун ҳам айнан севимли кишининг дағал ҳатти-ҳаракати туфайли етган руҳий зарба оқибатида аёлларда неврозлар, неврастения ва оғир руҳий касалликлар эркаклардан кўра кўпроқ учрайди.

Эркак киши севган аёли билан турмуш қурмоқчи бўлсаю, бироқ уни қандайдир сабаб туфайли ҳозирча расмийлаштиришга имкони бўлмаса, бундай ҳолларда ундан мулоимлик, одоб ва ҳатто назокат талаб қилинади. Эркак киши шуни унутмасинки, бундай ҳолларда аёллар эркакларга қараганда оғирроқ ва ҳақсизроқ ҳолатга тушиб қоладилар. Бундай севгининг оқибати аёл учун оғир юк бўлади. Бундан ташқари, анъанага кўра, бундай вазиятларда жамоатчилик инсонларнинг феъл-атворига жуда юқори талаблар қўйишини ва эркакдан кўра аёлни қаттиқроқ қоралашини ҳам унутмаслик керак. Агар аёл шунда ҳам, никоҳсиз бўлса ҳам, ўша эркак билан яшашга рози бўлиб турса, бу нарсани унинг қалбида кучли ҳиссиёт

жўш уриб турганидан далолат беради.

Мана шунинг учун эркак киши маҳбубасига нисбатан одоб ва назокат билан муносабатда бўлиши керак.

Агар оила бир томоннинг ишончи ва севгиси, бироқ иккинчи томоннинг ёлғони ва ҳайвоний шахвати асосига қурилса, буни инсофли, виждонли кишиларнинг инсоний муносабатлари деб аташ мумкин бўлмай қолади. Ёлғон ҳар қандай ҳолатда ҳам пасткашлик ва разолат аломатидир.

Аёлга нисбатан пасткашлик қилиш эркакнинг инсон сифатида нақадар қабихлигини кўрсатади. Зеро инсон бир пайтнинг ўзидики бир масалада пасткаш ва бошқа бир масалада олижаноб бўла олмайди. Агар инсонда инсоний ғурур, ҳамият бор бўлса, бу хислатлар унда уйда ҳам, ишда ҳам, олди-сотдида ҳам, севгида ҳам акс этиб туради.

Бизда (Россияда) аёлларнинг тўлиқ эмансипациясига («эркинликка чиқишига») шу даражада эришилганки, хотин-қизлар иқтисодий жиҳатдан эркакларга мутлақо қарам бўлмай қолди. Ҳозирги кунда аёлни боласи билан ёлғиз ташлаб кетган эркак аввалги пайтлардагидек уни боши берк кўчага киритиб қўйди, дегани эмас. Бироқ, никоҳсиз туғилиб қолган ўз боласини тан олиб, ЗАГСдан ўтишга розилик берсам, аёлга беқиёс қарам кўрсатган бўлман, деб ўйлаётган эркаклар ҳали ҳам бор...

СЎНГСЎЗ. Бу мақола шу ерда тугайди. Аммо бу ҳақда фикр юритиш, мақоладан сабоқ чиқаришнинг тўхташини, тугагини истамадик. Маълумки, Ислом маънавий жиноятларнинг ҳар қандай турини қатъиян тақиқлаб қўйган, чунки бу инсонни яратган ва унга икки дунёда саодатга эришиш йўлини кўрсатиб қўйган Аллоҳ таолонинг динидир. Ўзининг қонунларига риоя қилмаслик қандай оғир оқибатларга олиб келишини У Зотнинг Ўзи билмай, яна ким билсин? Бироқ, академик Углов каби олимлар ўзининг кўп йиллик жарроҳлик фаолияти давомида ана шундай ярамас амалларнинг оқибатини ўз кўзи билан кўриб, Исломдан мутлақо хабари бўлмаган ҳолда одамларни бу офатлардан қайтаришга уриниб келадилар. Улар ўзлари билмаган ҳолда Ислом арконларининг нақадар тўғри, ҳақ эканини, динимизнинг нақадар пок ва эзгу дин эканлигини тасдиқлайдилар.

Фёдор Григорьевич Угловнинг расмий ва норасмий сайтлари бор экан. Бу сайтларда академикнинг алкоғолизм, кашандалик ва зинонинг қанчалар ҳалокатли бало экани ҳақидаги кўплаб китоблари, мақолалари, илмий асарлари ва тадқиқотлари кенг жамоатчилик учун тўплаб қўйилибди. Ф.Углов ўзининг муваффақиятли жарроҳлик амалиётидан инкор қилиб бўлмас далиллар келтириб, бу жиноятларнинг инсоният учун захри қотил эканини исботлаб берган, уларнинг тиббий ва ижтимоий зарарлари ҳақида кўп ва ҳўб ёзган экан. Келгусида уларни ҳам ўзбекчага ўгириб, эътиборингизга ҳавола қиламиз, деб ният қилиб қўйдик. Сўзимизнинг якунида бандаларига лутфу қарам айлаб, уларга ҳақ йўлни, маънавий ва жисмоний саломатлик ва абадий саодат йўлини кўрсатиб берган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар айта-миз.

Русчадан Озод МУНАВВАР ўғирди.

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

ҲАЗРАТИ АБУ БАКРНИНГ

ЎЛИМИ

Ҳижратнинг ўн учинчи йили, жумодил-охир ойининг бошларида ҳазрат Абу Бакр қаттиқ бетобланиб қолдилар. Бунга совуқ кунда ҳаммом қилганлари туфайли шомоллаганлари сабаб бўлган эди. Хасталиклари оғирлашиб, ҳатто намозга чиқа олмай қолганларидан ўринларига Умар ибн Хаттобнинг имом бўлишларини буюрдилар.

Мўминлар Абу Бакрнинг бетоблигидан қайғуга тушиб, у кишининг тузалишларини сўраб ҳар куни дуода бўлишди. Асҳоб у зотнинг ҳолларидан хабар олиб турди, энг кўп ҳол сўраган Усмон ибн Аффон бўлдилар. Бир куни саҳобийлардан бир неча киши ҳазрат Абу Бакрни кўргани киришди.

– Эй Абу Бакр, касалингиз оғир, табиб чақириб кўрсатсакмикан? – деб маслаҳат солишди улар.

– Табиб келиб мени кўриб кетди, – дедилар Абу Бакр.

– Табиб нима деди? – сўрашди саҳобийлар.

– Мен хоҳлаганимни қиламан, деди, – жавоб қилдилар ҳазрат Абу Бакр.

Ҳа, у зот Раббиларига қовушиш фурсати етиб келганини тушуниб турардилар. Халифани шу топда оғир дард, тузалмас касаллик безовта қилмаётган, қийнамаётган эди. Бутун ҳаётини Исломиятнинг қувват ва шавкати йўлига бағишлаган, халқнинг адолат ва ҳаққоният байроғи остида яшабини истаган ва шу йўлда улўғ Ислום давлатини соғлом асос устига қура олган, Аллоҳнинг Расули ишларини содиқлик билан давом эттиришдан бошқа нарсани ўйламаган бу улўғ инсоннинг бетобликдаги фикр-ўйлари ҳам ана шу давлат, халқ манфаатлари ҳақида эди. Мана шундай ҳолатда ҳам ўзларидан кейин раҳбарлик топшириладиган номзод ҳақида бош қотираётган эдилар.

Агар ўринбосар сайлашни халқ ихтиёрига ташлаб кетсалар, мансаб истовчилар ўртасида фитна чиқиб, бирор кор-ҳол юз бериши мумкин. Сақифа байъатида рўй берган кўнгилсиз воқеалар ҳали эсдан чиққанича йўқ. Шунинг учун ҳол сўрашга келган асҳоб билан ўзларидан кейин ким халифа бўлиши хусусида маслаҳатлашар, уларнинг фикрларини билишга уринар эдилар. Саҳобийлар ичида бу мансабга лойиқ аҳли фазл, адолатли кишилар кўп эди. Айниқса, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиблар Ислום давлатини бошқариш салоҳиятига эга улўғ инсонлар эди.

Абу Бакрнинг ўзлари Умар ибн Хаттобни бошқалардан ортиқроқ билардилар, раҳбарликка шу одам энг муносиб, деб ўйлардилар. Ўз қарорларини асҳобга киноя тарзида изҳор эта бошладилар.

– Умар ҳақида қандай фикрдасиз? – сўрадилар саҳобаларнинг улўғи Абдураҳмон ибн Авфдан.

– Унинг қаттиққўлликдан бошқа ҳеч қандай айби йўқ! – деган жавоб бўлди.

– У киши мен юмшоқ бўлганим учун шундай қаттиққўллик қиладилар, агар ўзлари иш бошига келсалар, албатта қаттиққўлликларидан анчасини ташлайдилар, деб ўйлайман, – дедилар Абу Бакр. Сухбатда ҳозир бўлган ҳазрат Усмон эса:

– Ичлари ташқариларидан яхшироқ, билишимча. Бизнинг ичимизда у кишига ўхшаш одам йўқ, – деб фикрни маъқулладилар. Бошқа бир неча улўғ саҳобийлар ҳам ҳазрат Умар ҳақларида ана шундай яхши гапларни айтишди.

Абу Бакр Сиддиқ ана шу йўсинда кўпчиликнинг фикрини олгандан сўнг халифаликни ҳазрат Умарга топшириш қарорлари қатъийлашди. Котиблари Усмон ибн Аффонни чақириб қуйидаги васиятномани айтиб ёздирдилар:

«Бисмиллаҳирроҳманирроҳийм. Бу Расулulloҳнинг ўринбосари Абу Бакр томонидан дунёдаги энг сўнгги ва охиратга эса биринчи қадамини қўйиш олдидан берган аҳдномасидир. Мен сизларга Умар ибн Хаттобни халифа этиб тайинладим. Агар ишни яхши юритса ва адолат қилса, жуда яхши. Менинг у ҳақидаги фикрим ва билганларим шу. Агар жабр ва зулм қилса, сийратини ўзгартирса, жавобгарлиги менга бўлмас. Чунки мен ғайбни билмайман. Бу ишимдан фақат яхшилиқни кўзлаганман. Ҳар кимга ўз амалининг жазоси муқаррардир. Золимлар қай аҳволга тушишларини келажакда билурлар...». Ана шу мазмундаги аҳднома ёздирилиб, муҳр уриб тасдиқланди.

Аммо Абу Бакр Сиддиқнинг бу қарорлари халифаликдан умидвор бўлиб турган айрим саҳобийларга ёқмади. Хусусан, Умар ибн Хаттобнинг қаттиққўлликлари, насаб-мартабаларни юз-хотир қилмасликлари кўпчиликка манзур бўлмаслиги равшан эди. У кишининг валиаҳд этиб тайинланганлари шўро асосида бўлмагани ҳам турли гап-сўзларга сабаб бўлди. Ҳатто баъзи саҳобийлар ҳазрат Абу Бакр

Сиддиқ ҳузурларига кириб раддия беришгача боришди.

– Умар ибн Хаттобнинг шу қадар қўпол, қаттиққўллигини билатуриб ҳам ўзингиздан кейин ўринбосарликка тайинлабсиз, агар бу тўғрида Раббингиз сизга савол берса, нима деб жавоб қиласиз? – деб сўради бир неча асҳоб билан кирган Толҳа ибн Убайдуллоҳ.

– Мени Аллоҳ билан қўрқитмоқчи бўласизми? Мен Унга: «Сенинг энг яхши бандангни тайинладим», деб жавоб бераман, – дедилар у киши хотиржам. Сўнгра уларга юзланиб:

– Менинг бу гапимни бошқаларга ҳам эшиттириб қўйинглар, – деб илтимос қилдилар.

Ҳазрат Абу Бакр ўзларидан кейин хилофат масаласида баъзи номатлуб воқеалар юз беражагини, давлат сиёсатини юргизишда ва адолат билан иш тутишда Умар ибн Хаттобнинг энг муносиб номзод эканини қалблари сезиб тургани учун фикрларидан қайтмадилар, раъйларида собит қолдилар. Кейинчалик тарих ҳазрат Абу Бакрнинг тўғри йўл тутганларини исботлади: ҳазрат Умар одиллик билан ҳукм юргизганлари туфайли шарқу ғарб муаррихлари дунёдаги энг адолатли, тўғри ижро этган ҳукмдор деб тан олдилар.

Ҳазрати Абу Бакр шундан кейин ҳазрат Умарни ўз ҳузурларига чорлаб васият қилдилар:

– Билинги, кундузда Аллоҳнинг ҳаққи бор, кечаси уни қабул қилмайди. Билинги, кечада Аллоҳнинг ҳаққи бор, кундузи уни қабул қилмайди. Фарз ибодатлари адо этилмагунча нафл ибодатларингиз мақбул эмас. Бу дунёда Ҳаққа эргашган ва Ҳақнинг оғирлигини англаган кишининг тарозуси Қиёмат кунинда ҳам оғир келади... Аллоҳ таоло мўминларда рағбат ҳосил бўлиши учун раҳмат оятини, қўрқув ҳосил бўлиши учун эса азоб оятини зикр этди. Токи улар ўз қўллари билан ўзларини ҳалокатга судрашмасин. Аллоҳдан Ҳақдан бошқасини кутишмасин! Агар ушбу васиятимни хотирга маҳкам жойласангиз, ғайб нарсалар ичида сиз учун ўлимдан суюклироғи бўлмайди. Ҳолбуки, ўлим ҳақдир! Агар ушбу васиятимни зое қилсангиз, ғайб нарсалар ичида сиз учун ўлимдан манфурроқ нарса йўқ! Ҳолбуки, ўлим муқаррар, ундан қочиб кутила олмайсиз!

Абу Бакр Сиддиқнинг аҳволлари тобора оғирлашиб борарди. Тузалиш ўрнига касаллари кучаярди. Шунда қизлари Оиша розияллоҳу анҳони чақириб хужраларида қабр учун жой тайёрлашни буюрдилар. Устларидаги икки қават кийимларини ечиб:

– Мана шуни ювиб, унга учинчи бир қават кийим қўшиб кафан қилинглари, – дедилар.

– Эй отажон, ахир биз анча боймиз, янги кафан олиб кафанлатсак бўлмайдами? – эътироз билдирдилар ҳазрат Оиша.

– Қизим, янги кийимга мендан кўра тириклар муҳтожроқ. Исрофнинг нима кераги бор? – дедилар оталари.

Ўлганларидан кейин ўзларини ювишни завжала-

ри Асмо бинти Умайсга, унга ёрдамлашиб туришни ўғиллари Абдурахмонга васият қилдилар. Байтулмолдан олинган нарсаларни ўз киссаларидан тўлашга, молларининг бешдан бирини хайр-эҳсон қилишга, вафот этган кунлариёқ кечиктирмай дафн этишга буюрдилар. Охирги сўзлари «Эй Раббим, мени мусулмон этиб ўлдиргин ва солиҳларга қўшгин!» деган дуо бўлди.

Расули акрамнинг содиқ ва ишончли дўстлари, ишларининг давомчиси, саҳобаларнинг саййиди ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ҳижратнинг 13 йили (милодий 634 йил) жумодил-охир ойининг 21-куни омонатни Ҳаққа топшириб, фано дунёсидан бақо оламига сафар этдилар. Васиятларига биноан ювилиб кафанландилар, жанозаларини ҳазрат Умар ўқидилар. Қабрга Умар, Усмон, Толҳа ва ўғиллари Абдурахмон қўйишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига дафн этилдилар. Халифаликлари икки йилу уч ой давом этди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг вафотлари Расули акрамники каби Мадинани, бутун Ислом дунёсини қаттиқ қайғуга солди. Асҳоби киромга фавқуллода кучли таъсир қилди. Мадина мотам ва қайғуга кўмилганди. Саҳобалар Аллоҳнинг иродасига сабр билан тасалли топишар эди. Али ибн Абу Толиб кўз ёшлари шашқатор ҳолатда Абу Бакрнинг эшиклари олдида тўхтаб, у жанобнинг фазл ва сифатларини баён этувчи машҳур хутбаларини сўзладилар:

– Эй Абу Бакр, Аллоҳ сизни раҳмат қилсин! Сиз ҳаммадан аввал Исломни қабул этган, иймони энг мустаҳкам, энг ишончли киши эдингиз. Сиз Расулуллоҳга энг содиқ, хулқ ва фазл ҳамда сийрат жиҳатидан энг яқин, Ислом аҳлини ҳамиша ҳимоя қилгувчи киши эдингиз. Ҳамма Расулуллоҳни ёлғончига чиқарганида сиз у зотни тасдиқ этдингиз, озор етказганида ёрдамга шошилдингиз, ўлдиришга чоғланганида ёнларида туриб ҳимоя қилдингиз. Аллоҳ сизни Ўз китобида Сиддиқ, деб атади. Сиз аҳли Ислом учун бир таянч-тиргак, кофирлар учун эса бало ва мусибат эдингиз. Сиз йўлингиздан асло адашмадингиз, заифлик ва қўрқоқлик сизга асло йўл тополмади... Сиз Аллоҳ қошида улуғ, мўминлар қошида буюк ва қудратли эдингиз, кучли ва кучсиз қошингизда баробар эди... Аллоҳ ажрингиздан бизларни маҳрум қилмасин, сиздан кейин бизларни адаштирмасин...

Умар ибн Хаттоб ҳам ҳазрат Абу Бакрнинг ёнларига кириб қисқа, аммо ҳаяжонли сўз қилдилар:

– Эй Расулуллоҳнинг дўсти, ўзингиздан сўнг халққа ғоят оғир юк юкладингиз. Энди сизга етиш қаяқда, ортингиздан боришга бизларга йўл бўлсин!

Ҳазрат Абу Бакрга марсия ўлароқ, мўминлар онаси ҳазрат Оиша хутба сўзладилар, улуғ сўз устаси Хассон шеър ўқиди. Биз ҳам ана шу саҳобийларнинг дуоларига қўшилган ҳолда Аллоҳга ёлвориб, Унинг ҳазрат Абу Бакр Сиддиқдан рози бўлишини сўраймиз.

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8,9,10,11 ва 1434 йилдаги 1,2-сонларда)

Бугун негадир жуда хуш кайфиятда, аллақандай кўтаринки руҳ билан уйғонибман. Ҳали тонг отмаган, унда-бунда хўроз қичқириғи, нариги уйдан баралла эшитилиб турган дадамларнинг хурракларидан бошқа ҳеч нарса қулоққа кирмайди.

Одатда бошим ёстиққа тегса уйқуга кетиб, кўзга тушган офтобдан уйғонадиган одам тонг қоронғусида туриб кетганимга ўзим ҳам ҳайронман. Вужудимни уйқу эринчоқлиги тарк этмаган эса-да, аммо руҳим тетик эди. Тош қотиб ухлаб ётган эканман, кимнингдир «Ҳой Умиджон, турсангиз-чи, бўлди-да, ғафлат босиб ётаверасизми», деганидан уйғониб кетган эдим. Ҳозир тўшақда хаёлга чўмиб ўтирарканман, бирдан бу овоз «Учтака»га тегишли эканини тушуниб қолдим. Шунча кун ўзининг сафсаталари билан бошимни қотирган «Учтака» уйқумда ҳам тинчлик бермай қўйган эди.

Аммо ҳозир «Учтака»дан ўпқаланиш ҳақида ўйлашга, унинг далил-исботларини сафсата дейишга ичимда нимадир тўсқинлик қилаётганини сезиб қолдим. Қандайдир кўринмас бир куч «Учтака»нинг гаплари ҳақ, сен адашувдасан, у фақат бахтингни, камолингни гапиряптию сен эса унинг айтганларини ёлғон-сафсатага чиқаряпсан», деб таъна-маломат қилаётгандай туюлар эди.

Ўзгариб қолганим аниқ эди. Илк бор «Учтака»га нисбатан қалбимда илиқ бир яқинлик туйғуси, эҳтиром аломатлари пайдо бўлди: «Тамом, бугундан бошлаб «Учтака» ҳам демайман, исмларини атайман. Исмлари нима эди-я, ҳа эсимга тушди: Маҳмуджон ака эди. Бир куни ўзлари «Мухаммад, Маҳмуд, Аҳмад деган исмларнинг ўзаги бир хил—«мақталган» деган маънони билдиради», деб айтиб қолувдилар.

Ўрнимдан туриб деразадан ташқарига боқдим. Оғилдаги қўйларимизнинг у ёқдан-бу ёққа безовталаниб юргани эшитилди. Маҳмуджон ака «барча жониворлар ҳам ўзларича Яратганнинг зикрини қилишади», деган эди. Унинг: «Барча жонзот, ҳатто биз жонсиз деб ўйлайдиган дов-дарахтлар, тошларгача Парвардигорнинг зикрини қилсаю шундоқ ажойиб суратда, энг мукаммал қилиб яратилган, ақл-идрок, фаҳм-фаросат ва тил, кўз, қулоқ каби аъзолар бериб қўйилган биз, инсонлар Аллоҳни эслашга вақт топа олмасак, Унга итоатда бўлмасак, амрларидан бўйин товласак, ҳақиқат бўлармикин,

Умиджон?», деган гаплари ҳамон қулоқларим остида жаранглаётгандек бўлади.

«Тўхта, Умид! Ана шу тилсиз, онгсиз, берганни еб, бошқа пайт кўзингга мўлтираб қараб турадиган қўй Худони эслар экан, ҳамма неъматлар бериб қўйилган инсонлар эслашмаса, нима дейиш керак?! Сен-чи?! Ўзинг Маҳмуджон ака айтганларидай, бирор марта еб турган нонингга қараб: «Буни менга Худо ризқ қилиб берган», дея олганмисан?! Бирор марта сув ичаётиб: «Агар буни Аллоҳ шунчалик ширин ва мусаффо қилиб қўймаганида ҳолим нима кечар эди», дея ўйлаб кўрганмисан?! Агар Аллоҳ мана шу чиройли уйингни ато қилмаганида ер юзидаги миллионлаб бошпанасиз кишилар каби кўча-кўйларда, ахлатхоналарда тунаб юрармидинг?! Агар онг, ақл-идрок бермаганида уйингдаги қўй каби еб ётавермасмидинг?!»

Ҳозир ичимдан хўрсиниқ ва армон аралаш отилиб чиқаётган беҳисоб саволларга кўмилиб-чўмилиб ётган эдим: «Наҳотки шу гапларга аввалроқ ақлим етмади? Нега олдинроқ Маҳмуджон ака каби бирорта эътиқодли инсонга рўпара бўлмадим? Нима учун дадам, ойим, ҳаттоки бувимлар Маҳмуджон ака айтган ҳақиқатларни менга етказишмади? Нега бизга оқ-қорани, яхши-ёмонни танитишга бурчли устозларимиз бу ҳақда очик гапиришдан кўрқишди? Уларга катта «оға»ларнинг дағдағали кўрсатма-фармойишлари Худонинг ҳисоб-китобидан, қиёмат даҳшатларидан ҳам кўрқинчли туюлганмиди?!»

Энди мен нима деган одам бўлдим? Йигирма бешга кириб ҳам Яратганни танимасам? Иймон, намоз деган нарсаларни билмасам? Пешонам бирор марта саждага бормаган бўлса? Савоб нима — гуноҳ нима, ҳалол нима — ҳаром нима, ажратмаган бўлсам? Бирор марта «Нега дунёга келганману сўнг қаёққа кетаман», деб ўзимни сўроққа тутмаган бўлсам? Аксинча иймон-эътиқодли одамларни ёмон кўриб, масхаралаган бўлсам? Маҳмуджон ака иймон-ҳидоятга чорлаганида устидан кулиб, дилини оғритган бўлсам?

Хўп, шунча йилни бой берибман. Энди нима қиламан? Буларни ким менга ўргатади? Ким ҳисобсиз саволларимга жавоб беради? Маҳмуджон ака «намоз ўқинг» деди, қандай ўқийман, ахир намоз ўқишни билмасам?! Маҳмуджон ака «ўргатай», дега-

нида: «ишингизни қилинг, ўргатишга муҳтож эмасман», дебман-а! Муҳтож бўлганда ҳам қанақасига муҳтож эканману! Эй хом сўт эмган банда, энди нима қиласан? «Менга намозни ўргатинг», деб кимга ялиниб борасан? Диний нарсаларни ўргатганларни қийин-қистовга олавериб, ҳуркитиб юборишган. Энди ким ҳам юрак ютиб сенга таълим беришга рози бўлар эди? Ёки Маҳмуджон акага ялиниб борасанми? Қайси юз билан? «Аввал ўргатай деганимда нозу фироқ бўлакча эди, энди зарур бўлиб қолдими», деб устимдан кулмасмикин? Йўқ, у кишиникига боришдан оғирроқ хижолатпазлик бўлмаса керак?

Нима қилиб бўлса ҳам бугундан намозни бошлайман. Рамазон ойида рўзани ҳам тўла тутаман. Бошқа ибодатларни ҳам ўрганаман. Энди гуноҳ ишларга асло яқинлашмайман. Ичкиликни оғзимга олмайман. Ҳамма жиҳатдан яхши одам бўламан. Маҳмуджон акага ўхшаб Худодан кўрқадиган, намозхон, хушхулқ одам бўламан!

Қарорим қатъий эди. Маҳмуджон ака ўн саккиз кун мобайнида ялиниб, тушунтириб, исбот қилиб қалбимга сингдирилмаган эътиқод туйғулари гўё ўзича кириб келгандай эди. Руҳимда, бутун вужудимда ўзим ҳам тушунолмайдиган бир ҳолат, шуур пайдо бўлган эди. Уни нур деймизми, туйғу деймизми – нимадир танамга ҳокимликни қўлга олган эди. Шунда бирдан Маҳмуджон аканинг «Аллоҳнинг Ўзи қалбингни очсин, Ўзи ҳидоят берсин», деб қилган дуоларини эслаб қолдим. Демак, у кишининг дуолари ижобат бўлибди-да! Қалбимни, руҳимни, бутун танамни илоҳий нур ўраб олган эди, назаримда. Руҳиятимдаги бардамлик, юрагимнинг қафасига сиғмай потирлаётгани ҳам шундан эди.

Шу топда дунёнинг бутун жозибая лаззатлари, оромларию зийнатлари, одамларнинг гап-сўзюю маломатлари менинг учун қийматини йўқотган эди. Мен бугундан бошлаб бошқача одамман! Мен ҳам залолат ва фаҳш қўлмақларидан эмас, Маҳмуджон ака каби иймон-эътиқоднинг покиза булоқларидан сув ичмоқчиман. Йигирма беш йил Парвардигоримни танимай, иймон нима, Исломи нима – фаҳмига етмай юрганларим етар!

Ибодат қилмоқчи бўлдим. Аммо Аллоҳга сиғинишнинг тартиб-қоидаларини билмас эдим. Маҳмуджон ака ўғли билан уйимизда намоз ўқиганида нималар қилганини эсламоқчи бўлдим. Ота-бола жойнамоз устида алланарсаларни пичирлаб, кейин тиззасига тиралиб энгашган эди. Кейин чўккалаб бошини ерга қўйиб турган ҳам эди. Мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим.

Аммо бошданоқ тўсиқлар пайдо бўлди. Уйимизда жойнамоз йўқлигини эслаб қолдим. Ҳеч ким намоз ўқимаганидан кейин жойнамоз қаёқдан бўлсин! Онда-сонда уйимизга келадиган амаким намоз ўқимоқчи бўлганларида ойим ювилган оппоқ чой-

шаб опчиқиб берганларини эслаб қолдим. Мен ҳам жавондан чойшаб олиб ерга солдим. Кейин намозга киришиб, қўлларимни қовуштирдим. Бироқ нима ўқишни билмас эдим. Беихтиёр билганимча Худога ёлбора бошладим: «Эй Худо, ҳозиргача Сенга бирор марта ҳам ибодат қилмаганман. Номингни фақат бирор нарсадан қаттиқ кўрқиб кетганимда, шунда ҳам ғайри шуурий ҳолатда тилга олганман. Бугундан бошлаб Сенга сиғинмоқчиман. Буюрганларингни бажариб, тақиқлаганларингдан юз ўгирмоқчиман. Гуноҳим кўплигини биламан. Маҳмуджон ака айтган эдики, инсон ҳар қанча гуноҳ қилган бўлса ҳам астойдил тавба-тазарру қилса, кейин бу гуноҳларга қайтмасликка сўз берса, барини кечириб юборар экансан. Мен ҳам бугун Сенинг гувоҳлигингда гуноҳларимга астойдил тавба қилдим. Энди асло уларни қайта қилмайман. Намоз ўқишни ҳам ўрганиб оламан. Энди буйруқларингни қолдирмай чин ихлос билан адо этаман. Чин йигит сўзим, Сенга ваъда бераман».

Шу гапларни айтиб бўлиб ўзимни жойнамоз устига ташладим. Астойдил Аллоҳга илтижо қилиб дилимдагиларни Ўзидан сўрадим. Жойнамоз устида Парвардигоримга ёлбориб ётибману, бутун танамда қандайдир илиқ бир титроқ оқиб ўтгандай бўлди. Руҳим анча енгиллашди. Бир неча кундан буён қалбимга уя қуриб, ҳаловатимни олган ғашлик ва мубҳамлик юки бирданига елкамдан тушган эди. Ўз-ўзидан кўзимга ёш қуйилаверди. Ростакмига йиғлаётган эдим. Фақат ота-онам эшитиб қолишларидан уялиб, овозимни баралла қўйиб юборишдан тийилиб турар эдим. Йигирма беш йиллик залолат ғуборлари, бесамар ўтказилган йилларнинг армон ва таассуфлари, шайтоний васвасалар омихта бўлиб сел каби тошиб чиқаётган эди.

Бир неча дақиқагина давом этган «ибодатим» мени бутунлай бошқача одамга айлантириб бўлди. Ҳали асл ибодатнинг, Яратганга ихлос ила сиғинишнинг маъно-моҳиятию тартиб-қоидаларини билмай туриб қилинган тоатнинг вужудим ва руҳимда бунчалик катта ўзгаришлар қилиб юборганидан ҳайрат ва ҳайронликда эдим. Унда эсини танигандан бери умрини тоат-ибодатда ўтказган Маҳмуджон ака кабилар бунинг ақл бовар қилмас лаззатидан ўзларини қай аҳволда ҳис этишаркин?

Бугун ҳаётимда илк бор танамни кўрқув ва хижиллик, руҳий безовталиқ тарк этди. Бугун биринчи марта ҳаётимдан, кунларимдан маъно ва лаззат топдим. Бугун биринчи марта иймон фароғатини, иймон ҳаловатини топгандай бўлдим. Бугун дунёга нега келганимни, ҳаётнинг асл моҳиятини англагандай бўлдим. Бугун назаримда ҳақиқий одамга айланган эдим. Ана шуларни англаш бахтини ато этган Аллоҳимга ҳамду санолар айтаман, қуллуқ қиламан, таъзимдаман!...

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

О'Н ИККИНЧИ САБОҚ

ILM O'RGANISH – FARZ

Assalomu alaykum, mening suyuqli do'mboqchalarim!

Bugundan boshlab mashg'ulotlarimizda sizlarga musulmon bolalarning burchlari, axloq-odoblari haqidagi saboqlarni o'rgataman. Qani, cho'kkalab yaxshilab joylashib olinglar, darsimizni boshladik.

Bugun ilm olish zarurligi haqida gaplashamiz. Payg'ambar alayhissalom «Ihn olish – har bir musulmon erkak-ayolga farz (majburiy)» deganlar. Yana u zot «Hatto Xitoyda bo'lsa ham borib ilm o'rganib kelinglar» deb nasihat qilganlar. Chunki ilm izlash, egallash – Islom dinining eng asosiy talabi, Alloh taolo bandalariga buyurgan ish. Qur'oni karimning Hazrati Payg'ambarimizga tushgan birinchi oyati «O'qi» deb boshlangan edi. Qur'oni karimda «Ilm» so'zi turii hollarda 765 joyda takrorlanib keladi. Payg'ambar alayhissalom urushda asir tushgan odamga ozod bo'lish uchun 10 ta musulmonga o'qish, yozishni o'rgatishni shart qilib qo'yganlar. Ana shularning o'ziyoq dinimizda ilm olishga judayam ko'p ahamiyat berilganini bildirib turibdi.

Bizning yurtimizda avvalda ham, hozirda ham ilm tarqatish, o'rganishga katta e'tibor berilgan. Imom Buxoriy, Zamaxshariy, Termiziy, Nasafiy, Qaffol Shoshiy, Ibn Sino, Beruniy, Farobiy, al-Xorazmiy, al-Farg'oniy, Ulug'bek, Navoiy kabi ulug' olim bobolaringizning ilm sohasidagi ishlarini butun dunyo tan olgan.

Islom dinimiz ilm olish deganda ham dunyoviy, ham diniy ilm olishni nazarda tutadi. Buning ma'nosini soddaroq qilib tushuntirib beradigan bo'lsam, sizlar maktabda o'qiydigan matematika, fizika, kimyo, jug'rofiya, tarix kabi fanlarni o'rganish ham ilm. Yana Qur'oni karim suralarini va ma'nosini, Payg'ambarimizning gaplarini va ishlarini (bu «Hadis» deyiladi) o'rganish ham ilm. Shuningdek, ibodat qilish usullarini, musulmonlikning tartib-qoidalarini o'rgatadigan «fiqh»ni o'rganish ham ilm. Demak, chin musulmon odam hamma ilmlarni o'rganishi kerak ekan. Masalan, Ulug'bek bobongiz falakiyot fanini ham, dinning asoslarini ham birday mukammal bilganlar. Ibn Sino bobongiz esa tabobat ilmi bilan

ham, diniy ilmlar bilan ham baravar shug'ullanganlar. Navoiy bobongiz esa juda ko'p g'azal-dostonlar bilan birga Payg'ambarlar tarixiga, Allohni tanishga doir kitoblar yozganlar. Yaqinda to'ylari o'tkazilgan Imom Buxoriy bobongiz esa sizning yoshingizda, ya'ni olti yoshga kirganlarida Qur'oni karimni to'la yod olganlar. O'n bir yoshlarida ustozlarining xatosini tuzatganlar. O'n to'rt yoshlarida Payg'ambar alayhissalomning 70 ming hadislarini yoddan aytib berganlar.

Ilm olish yaxshiyu, ammo unga amal qilish ham kerak. Amal degani o'sha olgan ilmingizni boshqalarga o'rgatish degani. Yana uni qo'llab, odamlarga foyda keltirish degani. Yana ana shu ilm orqali Allohni tanish degani. Chunki katta olim bobolaringizdan Imom G'azzoliy shunday deganlar:

«Yuz yil ilm o'rganib, mingta kitobni o'qisangu amal qilmasang Allohning rahmatiga umidvor bo'lishga haqqing yo'q». Ya'ni u ilming foydasiz, Allohdan hech qanday mukofot kutma, deyaptilar.

Ilm olsayu, ammo Allohga bo'ysunmasa, Uning aytganlarini bajarib, ibodatlar qilmasa, bunday odamning ilmi ham foydasiz. Chunki yuqorida aytilganiday, dinimiz talabiga ko'ra ilm o'rganishdan maqsad Alloh taoloni yaxshiroq tanish, unga ko'proq bo'ysunishdir.

Mening shirindan-shakar bolajonlarim! Ilm olishning foydasi haqida aytgan gaplarimni yaxshilab miyangizga joylab oldingizmi? Chunki ilm olishni Alloh buyurgan. Allohning buyruqlarini biz – musulmonlar hech so'zsiz bajarishimiz kerak. Alloh ilm olishni bekorga buyurmagan. Chunki ilmsiz kishilar johil, nodon bo'lib qolishadi. Bunday odamlarni hech kim hurmat qilmaydi. Ularni Alloh taolo ham yaxshi ko'rmaydi. Shuning uchun ilm o'rganishga astoydil kirishing! Ustozlarning aytgan gaplarini yaxshilab eshitib eslab qolishga harakat qiling!

Ilm koni bo'lgan kitobni seving! Ko'p kitob o'qing! Hozir do'kon va bozorlarda diniy kitoblar ham sotilyapti. Dadalaringiz, akalaringizdan o'shanday kitoblardan keltirib berishni iltimos qiling!

Kelishdikmi, do'mboqchalarim?!

АМЕРИКАНИНГ ҒАЛАТИ ТАРТИБЛАРИ



Америка Қўшма Штатларининг Кентукки штатида ўқ-ёй ёки найза билан балиқ овлаш тақиқланган.

Гери шаҳрида (Индиана штати) саримсоқ егач тўрт соат ичида жамоат транспортига чиққан одам жарима тўлайди.

Бутун Калифорния штати ҳудудида сичқонга қопқон қўйиш учун овчилик гувоҳномаси бўлиши шарт.

Алабаманинг Жаспер шаҳрида эр ўз хотинини калтаклаш ҳуқуқига эга, фақат таёқ йўғонлиги жимжилоқ йўғонлигидан ошмаслиги керак.

Дунёда энг илғор саналган АҚШ аҳолисининг 20 миллиони ўқиш-ёзишни билмайди, 30 миллионга яқини эса фақат бошланғич маълумотга эга.

АҚШнинг Огайо ва Калифорния штатларининг кўчалари ва жамоат жойларида одамларни уларнинг розилигисиз фото ёки камерада суратга тушириш беш юздан минг долларгача жарима билан жазоланади.

Аризона штатида меҳмонхонада унутиб қолдирилган буюм ёки пул бир йилу бир кун сақланади, агар шу муҳлат ичида эгаси олиб кетмаса, у меҳмонхона мулкига айланади.

Вашингтон яқинидаги Дўстлик тепалиги шаҳарчасида яшовчи кашандаларга шахсий уйла-

ридан ташқари ҳамма жойда чекиш тақиқланган.

Америка Қўшма Штатлари ўзига хос пазандачилик санъати ва миллий таомларига эга бўлмаган дунёдаги ягона мамлакатдир.

АҚШда ҳайвонлар учун мингдан ортиқ сартарошхона ишлаб турибди.

Ҳозир АҚШда ҳар 16 талабага биттадан ўқитувчи тўғри келади.

Нью-Йоркда ҳар йили 300 киши каламуш тишлаб олганидан, 1500 киши одам тишлаб олганидан тиббий ёрдам муассасаларига мурожаат қилади.

АҚШ аёлларининг 95 фоизи турмушга чиқаётиб қизлик фамилиясидан осонгига воз кечади, аммо олий маълумотли ва шаҳарларда яшовчи аёллар фамилиясини ўзгартиришни ёқтиришмас экан.

АҚШда ўтказилган савол-жавоблардан маълум бўлишича, америкаликларнинг 90 фоизи ишхонада ва уйда мунтазам ёлғонлар экан. Ҳатто АҚШ президенти Жорж Буш (кичиги) Ироқ уруши давридаги бир йил ичида бўлган расмий учрашув ва баёотларда 922 марта ёлғон гапирган.

Голливуднинг кекса киноюлдузи Элизабет Тейлор умри давомида тўққиз марта эрга теккан, охириги турмушга чиққанида ёши саксондан ошган эди.

Оддий америкалик бир ҳафтада ўртача ўттиз бир соатни телевизор қаршисида ўтказади. Америкалик ўқувчилар мактабни битиргунча “зангори экран” орқали саккиз мингта қотилликни кўришади.

АҚШда бир йил ичида ўртача ўттиз минг киши қотиллик қурбони бўлади. Бу мамлакатда содир этилган жиноятларнинг бор-йўғи 22 фоизигина очилади.

Нью-Йоркда ҳар куни ўртача 40 мингта қалбаки доллар ушлаб қолинади.

АҚШ аҳолисининг 62 фоизи ортиқча семириб кетишдан, 44 миллион киши турли хасталиклардан азоб чекади.